

ЗООГЕОГРАФИЯ
(максус қисм)
С.Б. Бақоев, Ф.Р. Холбоев
Бухоро давлат университети

Маълумки, зоогеография фани ҳайвонларнинг ўтмишда ва ҳозирги шароитда биосфера да географик тақсимланиши қонуниятларини ўрганувчи фан сифатида биология, география фанларитизимида ўзига хос мавқега эга. Бу фан ҳозирги даврда олий таълимнинг университет даражасидаги биология, экология ва табиатдан фойдаланиш, география йўналишларида танлама фан ўрнида ёхуд “Билгеография биология асосмлари билан” (география йўналишида) фанининг маълум муҳим қисми сифатида ўқитилмоқда. Бу фан ҳозир таълимнинг магистратура босқичида зоология-5А420102 мутахассислигининг янг7и ўқув режасида ҳам “Зоогеография муаммолари” номи билан иккинчи блокга киритилган. Уни ўқитиш учун 90 соат (маъруза-24 соат, амалий машғулотлар-26 соат, лаборатория ишлари-10 соат, мустақил таълим учун-30 соат) ажратилган.

Тегишли йўналишлар мутахассисликлар бўйича бакалавр, магистрларни тайёрлаш тизимида зоогеографиянинг аҳамияти салмоқлидир. Ўқитувчининг дунёқаришини шакллантиришда, уни кенг, чуқур, ишончли бўлишини таъминлашда планетамиздаги ҳайвонот оламини хисобга олиш, унинг хилма-хил захираларини ўрганиш ва улардан тўғри фойдаланишни ташкил этишда, нодир ҳайвон турларини асраб қолиш билан боғлиқ чора-тадбирларни белгилаш, уни мониторингини таъмин этиш, амалга оширишда зоогеографиянинг бой далиллари, қонуниятлари муҳим манба хизматини ўтайди.

Бухоро давлат университетида бу фан биология, экология ва табиатан фойдаланиш таълими йўналишларида 3-курсда, зоология мутахассислиги бўйича магистратуранинг 2-босқичида ўқитилмоқда.

Аммо таъкидлаш жоизки, ҳозиргача ўзбек тилида бу фандан бирорта дарслик ёки ўқув қўлланма тайёрланмаган. Бундай ўқув адабиётлари ҳатто рус тилида ҳам тақчил. Шу ҳолатни эътиборга олиб, тўпланган тажрибаларимизга таянган ҳолда бизлар мазкур ўқув-услубий қўлланмани тайёрладик. Режадаги ўқув-услубий қўлланма 2 қисмдан иборат. Унинг биринчи қисмida зоогеография фанининг умумий масалаларига бағищланган мавзулар-фан мазмунига кириш, ҳайвонлар биосферанинг таркибий қисми, фауна ва ареал ҳақидаги таълимотларнинг асослари ёритилган. Бундан ташқари Бухоро вилоятининг чўл зонасида жойлашганлигини, чўлнинг Ўзбекистон умумий худудида тутган салмоғини эътиборга олиб алоҳида мавзу-“Чўл минтақасининг фаунаси ва унинг зоогеографик хусусиятлари” ҳам тавсифланди.

Ўқув-услубий қўлланмада келтирилган, тасвирлар ишончли манбалардан олинган ва мавзуларни талабалар томонидан чуқурроқ, кенгроқ самарали ўзлаштиришларини таъминлайди деган умиддамиз.

**I –БОБ. ҚУРУҚЛИКНИНГ ЗООГЕОГРАФИК РАЙОНЛАШТИРИЛИШИ
ЗООГЕОГРАФИК ОБЛАСТЛАР ФАУНАСИНИ УРГАНИШНИНГ НАЗАРИЙ ВА
АМАЛИЙ АҲАМИЯТИ.**

Зоогеографиянинг асосий вазифаларидан бири- бу ер юзининг турли худудлари (зоогеографик областлар) ҳайвонот оламини эволюцион келиб чиқиши, шаклланниши, фаунистик таркиби ва уларнинг ўзаро ўхшашлик ва фарқларни чуқур ўрганишдан иборат. Мазкур хусусиятларни белгиловчи қонуниятларни аниқлаш эса зоогеографик олдидағи назарий ва амалий масалаларни хал этишда муҳимдир..

Ер юзида тур ареаллари ёки фаунистик комплексларнинг шаклланышдаги тарихий жараёнда ҳар бир ўзига хос худуддаги ўсимликлар қоплами, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсининг турли-туман алоқалари хал қилувчи рол ўйнайди. Шу билан бирга ҳар бир

регионнинг ўсимликлар қоплами тарихий жараёнда биринчи навбатда ўсимликларнинг муҳитининг абиотик омиллари билан алоқаси орқали шаклланади. Ҳайвонот дунёси ва унинг тарқалиши ҳар бир муайян худуднинг абиотик омилларига тўғридан-тўғри тобе ҳамдир.

Маълумки, ер юзидағи ҳар қандай кенг майдоннинг экологик шароитлари у ёки бу даражада ўзаро фарқ қиласди. Ундаги ўсимлик ва ҳайвон гурухларининг таркиби маълум даражада у ердаги географик муҳит билан бўладиган алоқаларга боғлиқдир. Бундай етарли даражада кенг майдондаги фауна ва флора ўзининг макон ва замондаги генезиси билан турли-туман яъни гетерогендир.

Фаунанинг шаклланишидаги гетерогенлик принципи универссал у ҳар қандай ҳудуд фаунасининг шаклланишда амал қиласди. Фаунистик таркибининг ўсимликлар қоплами типига ва ниҳият географик муҳитининг ўзига хослигига боғлиқлиги ҳайвонот дунёсининг тарқалишидаги зоналик принципининг асосини ташкил этади. Мана шу икки асос (географик генетик гетерогенлилик ва зоналик) планета фаунасини замонавий районлаштиришнинг негизи бўлиб ҳисобланади. Шу асосда ер юзига келиб, чиқиш шаклланиш йўналиши ва организмларнинг хусусиятларига кўра ўзаро фарқланувчи зоогеографик районларга тақсимланади.

Зоогеографик районлаштиришнинг зарурлиги, муҳимлиги ернинг турли қисмларида фауналар орасида тафовутларнинг мавжудлиги билан тушунтирилади.

Юкорида қайд этилган принциплар асосида районлаштириш жараёнида турли рангдаги ҳудудий зоогеографик категориялар қўлланилади (шох бўлим, зоогеографик область, кенжа область провинция, участка, округ ва бошқ.).

Зоогеографик районлаштиришда, йирик зоогеографик категорияларни аниқлашда фаунанинг тарихий регионал алоқалари, унинг эволюцияси билан баҳоланувчи генезисининг қонуниятлари асосий мезон бўлиб хизмат қиласди.

Нисбатан йирик зоогеографик категориялар (область, кенжа область) Ернинг геологик тарихи билан боғлиқ ҳолда асосан фауна ривожланишининг тарихий жараёни билан аниқланади. Фаунани яна ҳам майда гурухларга (провинция, участка ва бошқ.) ажратиш замонавий экологик мезонларни талаб қиласди.

Планетамизда ҳайвонот дунёси ривожланишининг тарихий жараёнида турли ҳудудларда тур таркиби бўйича хусусий бўлган бундай ҳудудлар-зоогеографик областълар номини олган.

Дарлингтон фикрича, фаунистик областлар-бу ҳозирда фауна билан эгалланган муайян ҳудудлардир.

Фаунистик областларни ўрганиш ҳайвонот дунёсининг қадимда қандай тақсимланганлигини, уларнинг ҳозирги тақсимланиши ва бу тақсимланишининг муҳит омиллари билан алоқасини аниқлаш имконини беради. Фаунистик областлар орасидаги ўзаро чегаралар ҳайвонларнинг тарқалишидаги асосий тўсиқларни ифодалайди.

Шуни таъкидлаш лозимки, кўпчилик ҳолларда областлар орасидаги чегаралар аниқ эмас, балки бир фауна типининг иккинчи фаунага қўшилишини таъминлайдиган, улар орасидаги ўткинчи хусусиятга эга бўлган кенг зоналардан ташкил топади. Шу сабабли фауналар эгаллаган майдоннинг ҳажми тўғрисида турлича фикр ва мулоҳазалар келиб чиқади.

Куруқликни зоогеографик районлаштириш узоқ тарихга эга. 1858-йил П.Склэтер б-асосий фаунистик областни фарқ қилишни таклиф этган; Палеарктика, Эфиопия, Ҳиндистон, Австралия, Неоарктика, Неотропик, 1876-йил А.Уоллес Склэтернинг фаунистик районлаштиришини қабул қилган ҳолда Ҳиндистон обlastини Шарқий обlast деб атаган. Склетернинг областлар классификацияси ҳозирда ҳам кўпчилик томонидан тан олинади. Аммо унинг классификацияси бир неча бор қайта тузатилган.

Фаунанинг тарихий алоқаларини ўзида акс эттирувчи анча юқори рангдаги бирликни яратишга уринишлар ҳам бўлган. Жумладан 1890 йил А.Бленфорд Склэтернинг облатсларини З та гурухга (Арктогей, Жанубий Америка, Австралия) бирлаштирган. Бу

гурухларни Лидеккер шох бўлим (царства) ранги сифатида қабул қилишни таклиф этган. Шох бўлимлар (Палеогей, Арктогей, Неогей, Нотогей) барча кўрсатгичлари бўйича ўхшаш бўлган бир неча областларни ўзига бирлаштириб олади. Аммо бунда ер шарининг фаунистик ва флористик областлар тизими кўпинча ўзаро бир-бирига мос келмайди.

Уоллес яшаган даврда фаунага хос хусусиятларни ёритишда яхши ўрганилган умуртқалилар (асосан қушлар ва сут эмизувчилар) гурухи танланган. Дунё бўйича йифилган янги фаунистик далиллар, ҳашаротлар, моллюскалар ва бошқа умуртқасизлар гурухларининг тарқалиши тўғрисидаги маълумотлардан фойдаланиш мавжуд фаунистик областларни қайта кўриб чиқиши учун асослар борлигидан далолат беради. Худди шундай йўналишдаги иш 1976 йил О.Л. Крыжановскийнинг “О принципах зоогеографического районирования суши” номли ишида ўз ифодасини топган.

Ҳозирда текислик ва тоғлиқдан ташкил топган тропик ўрмонлар, саванналар, даштларда яшовчи ҳайвонларнинг тур таркиби, сони ва ареали қисқарган. Шундай экан эндиликда ерни фаунистик худудларга бўлиш жуда мураккаб жараёндир. (Мюллер, 1973).

Зоогеографик областлар орасидаги чегаралар алоҳида ҳайвон гурухлари томонидан “бузилишга” қарамай, шуни таъкидлаш лозимки, айрим йирик областлар мулоҳазаларсиз, умумий қабул қилингандир. Бундай областларни бўлишда айниқса чуқур ўрганилган судралиб юрувчилар, қушлар ва сут эмизувчилар синфлари алоҳида мезон сифатида кўрсатилиши мумкин.

Ҳайвонот дунёсининг келиб чиқиши, тарқалиши, тур таркиби ва унинг шаклланиш тарихи ва бошқа хусусиятларини ўрганишда зоогеографик районлаштириш муҳим ўрин эгаллайди.

Энг сўнгги адабиётларда ер юзидағи ҳайвонот дунёси 8 та зоогеографик областларга бўлиб ўрганиш қайд этилади. Улар қўйидагилар: Янги-Зеландия, Австралия, Полинезий, Неотропик, Эфиопия, Мадагаскар, Индо-Малай, Галарктика.

Маълумки, ер юзида ҳайвонот дунёси ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос экологик хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда турлича тарқалишга, тур таркибига ва зичликка эга. Бундай ўзига хосликнинг асосида нафакат ҳозирда мавжуд бўлган экологик омиллар балки қадимда ер планетасида содир бўлган турли хусусиятли ўзгаришлар, уларнинг муддатлари, йўналишлари ва айнан ўша пайтдаги эволюцион жараёнларни бошқарилиши муҳим ўрин тутади.

Австралия зоогеографик обласгининг фаунистик шаклланишида бундай хусусият яққол намоён бўлган. Жумладан, халталиларга мансуб турларнинг Австралия фаунаси таркибida мўллиги айнан материкларнинг шаклланиш жараёнлари ва ҳайвонлар эволюцияси билан боғлиқлиги ушбу ҳудуд мисолида ўрганиш алоҳида аҳамиятга эга. Австралия фаунаси мезозой эрасига хос хусусиятларни ўзида мужассамлаштирган. Фауна таркибida содда тузилган сут эмизувчилар вакилларининг мавжудлиги Австралия материгининг юксак сут эмизувчилар пайдо бўлишидан анча илгари бошқа материклардан ажralиб келганлигини исботлайди. Бундай ўзига хослик ер планетасида геологик ва биологик эволюцион қонуниятларни ўзаро боғлиқ ҳолда ўрганишда муҳим аҳамиятга эга.

II-БОБ. ЯНГИ-ЗЕЛАНДИЯ ЗООГЕОГРАФИК ОБЛАСТИ

2.1. Янги Зеландия обласгининг зоогеографик ўрни ва табиий шароити.

Янги Зеландия области ороллари ташкил топган обласст бўлиб, у Янги Зеландиянинг иккита йирик оролини (Шимолий ва Жанубий) ҳамда Стыоарт, Чатем, Окленд, Кермадек Кембелл, Антипод ва бир қанча майда архипелагларни ўз ичига олади. Умумий майдони 268 минг кв.км. Худуди тоғлиқдан иборат бўлиб, субтропик ва мўътадил иқлимга эга. Тоғлари ажралган тизмалар кўринишида. Унда альп зонаси, музлик ва қўллар шаклланган. Вулканик фаолиятнинг излари сифатида кўплаб иссиқ булоқлар учрайди. Иқлими юмшок, ёғин миқдори юқори-йилига 815-1090 мм. Гача. Ўртacha йиллик ҳарорат 12-13 С. Иқлими

мұйтадил бўлишига қарамасдан асосий ландшафти тропик типдаги қалин, нам севувчи ўрмонлардан иборат. Жанубий оролнинг шарқий ққирғози бўйлаб дашт полосалари чўзилган.

2.2. Янги Зеландия фаунасига умумий тавсиф

Област фаунаси орол характерига эга бўлиб, ер шарининг қуруқлик қисмидаги энг қадимги, нисбатан камбағал фаунадир. Ҳанузгача мезазой эрасининг охирги даврига хос, эндемизм кучли шаклланган фаунистик белгилар қайд этилади.

Янги Зеландия фаунанинг асосий хусусияти-бу ерда маҳаллий келиб чиқишига эга бўлган сут эмизувчилар учрамайди (одамлар томонидан келтирилган турлар бундан мустасно). Мазкур областда 3 турдаги абориген сут эмизувчиларни учратиш мумкин (2-турдаги қўлқанотлилар ва 1-тур кемирувчи).

Қушларнинг 200-турининг учраши қайд этилади. Рептилияларнинг 8-тури, амфибияларнинг бир авлодга мансуб бўлган 2-3 тури учрайди. Янги Зеландия учун уча олмайдиган қушлар гуруҳининг мавжудлиги характерлидир. Ҳудуднинг ороллардан ташкил топғанлигини ва унинг нисбатан яқин вақтларгача хилват яъни холи эканлигини ҳисобга олганда бу тушунарли ҳол албатта. Қадимда йирик моя оиласининг иккита тури бу ерларда яшашган. Уларнинг бўйи 3-5 метр бўлиб ҳозирда улар қирилиб кетишиган.

Янги Зеландияда умуртқалилар фаунасининг камбағаллиги областнинг мезазой эрасининг охирига қадар қўшни Австралиядан ажралиб кетиши оқибатида унинг алоҳидаланиши ва натижада кўпгина ҳайвон турларининг областга тарқалишининг чекланиб қолиши билан тушунтирилиши мумкин.

Областда уча олмайдиган қушлардан кивилар (3 тур) учрайди. Бу қушларнинг катталиги товуқдай келади. Қанотлари сочсимон пат, парлар билан қопланган. Узун тумшуғининг учидаги бурун тешиклари жойлашган (бурун тешикларининг бундай жойлашуви қушлар синфининг бошқа турларида учрамайди). Кивилар ўрмонларда тунги ҳаёт кечиради. Озиқасини (чувалчанглар, ҳашаротлар) нам тупроқдан топишга язши ривожланган ҳид билиш органи ёрдам беради.

Ана шундай ўзига хос турлардан уэка сувмошаги ҳам областта хос турлардан саналади. Бу анча жангара қуш бўлиб, аҳоли уларни турар жойларнинг яқинида тез-тез учратишади. Улар бу ерларда сичқон ва жўжалар билан озиқланишади. Ҳудди шундай сув мошакларидан яна бири тахакейдир. Бу турнинг тумшуғи анча йирик ва йўғон. Тахакей областдаги кам сонли учровчи турлардан бўлиб, узоқ йиллар давомида қирилиб кетган деб ҳисобланиб келинган. Фақат 1949 йилда тоғнинг одамлар яшамайдиган хилват бир қисмida қайта топилаган. Айни вақтда унинг унча катта бўлмаган популяцияси (300 атрофида) резерватта яшайди. Мазкур тур халқаро “Қизил китоб” га киритилган.

Орнитофауна таркибида япалоққушсимон тўтилар оиласининг иккита уча олмайдиган турлари (катапо ҳам учрайди). Буларда қанотлар нормал ривожланга, аммо пат ва парлари юмшоқ шу сабабли улар уча олишмайди. Какапо япалоққушга жуда ўхшаш бўлиб, ерда қазилган уяларда яшайди ва тунлда ов қилади. Уча оладиган тўтиларда кеа ва катта эътиборни ўзига жалб этади. Бу турлар дастлаб ҳаммаҳур бўлишган. Уларнинг яқинида инсон хўжалигининг шаклланиши туфайли гўшт чиқитлари билан озиқлана бошлишган. Қисқа муддатда бу турлар ўзларининг кучли тумшуқлари иштирокида яйловдаги тирик қўйларга ҳужум қилиб, уларнинг гўштларини узиб зиён етказа бошлишган.

Эндемик авлод саналган гуя қушларида эркак ва урғочи қушларнинг алоҳида озиқа билан озиқланишига боғлиқ ҳолда жинсий деморфизм яққол намоён бўлади. Эркакларида тумшуқ тўғри ва қисқа, урғочиларида эса тумшуқ икки баробар узун ҳамда кучли эгилган.

Денгиз қушлари хилма-хил (пингвинлар, найбурунлилар, қоравойлар, чайкалар ва бошк). Кенг тарқалган қушлардан пашибаҳурлар, мойқутлар, читтак, чуғурчуқ ва фотмачумчукларни бу област учун қайд этиб ўтиш лозим.

Судралиб юрувчилардан сцинклар ҳамда гекконларнинг эндемик авлод ва турлари тарқалган. Гекконларнинг 2-эндемик авлодлари учрайди. Уларнинг иккаласи ҳам тирик тухум туғувчи турлар саналади.

Қалқонбошлилар туркумiga мансуб бўлган гатерия алоҳида ажралиб туради. Гатерия бизнинг планетамизнинг қуруқлик қисмидла учрайдиган энг узоқ яшаган (150 млн. йил) реликт турлардан бири.

Амфибиялардан фақатгина реликт леопелма авлодига мансуб бақалар (2-3) учрайди. Улар умуртқа тузилиши, ҳаёти давомида қовурғаларнинг сақланиб қолиши ва бармоқларида пардаларнинг йўқлиги билан ажралиб туради. Чучук сув балиқларининг хилма-хиллиги жуда паст кўрсаткичга эга. Умуртқасизлар фаунаси анча камбағал. Ёмғир чувалчанглари Австралия ва Мадагаскар чувалчанглари билан уруғдош.

Ҳашаротлар фаунаси анча бой. Масалан капалакларнинг 1000 тури тарқалган. Термитларнинг 3-4 тури учрайди. Ҳашаротлар оиласида эндемик даражаси анча юқори.

Худди шундай ер усти моллюскалари ҳам хилма-хил. Моллюскаларнинг тур таркибини таҳлил қилиш орқали тахминан қилиш мумкинки, жуда қадимда Янги Зеландия ороллари Австралия буюлан Антарктида орқали Жанубий Америка билан минтақавий алоқада бўлишган.

Янги Зеландия фаунаси кейинги юз йилликда кўплаб иқлимлаштирилган сут эмизувчилар (буғулар, серналар, тулкилар, товушқонлар ва бошқ.) ва қушлар (қизилтушлар, съвалар, кукчумчуқлар ва бошқ.) билан тўлдирилди.

Йиртқичларча ов қилиш, келгинди ва ёввойилашган кемиравчилар, мушуклар, итлар ва бошқа уй ҳайвонлари (эчкилар, қуёнлар, чўчқалар)нинг тез кўпайиши ҳамда ўрмонларнинг кўплаб кесилиши кўпчилик ҳайвонларнинг (айниқса қушларнинг) кирилиб кетишига сабаб бўлди. Кўпчилик турлар (султон товуғи, киви, япалоқ тўти, сувмошаклар) камёб бўлиб қолишган.

Аборигенларнинг муҳофаза қилиш мақсадида 9-миллий боғлар (ириклиари Жанубий оролда) ташкил этилган. Янги Зеландиянинг атрофида жойлашган баъзи кичик ороллар қушлар ва гаттерияни ҳимоя қилишга мўлжалланган қўриқхоналарга айлантирилган.

III-БОБ. АВСТРАЛИЯ ЗООГЕОГРАФИК ОБЛАСТИ. ФАУНАНИНГ АНТРОПОГЕН ТРАНСФОРМАЦИЯСИ.

3.1. Австралия областининг географик ўрни ва табиий шароити.

Австралия зоогеографик области Австралия, Тасмания, Тимор, Янги Гвинея, кенгуру, Кинг, Флиндерс каби оролларни, Бисмак, Саломонов архипилагларини ўз таркибига олади.

Австралияниг табиий шароити унинг географик жойлашуви, рельефи ва иқлими билан боғлиқ. Материкнинг шимолий қисми тропик, марказий қисми субтропик, жанубий қисм мўътадил минтақади жойлашган. Шу сабабли бу жойда асосан тропик ва субтропик иқлим ҳукмрон. Фақат материкнинг жанубий қисми ва Тасманияда мўътадил иқлим кузатилади. Янги Гвинея тропик зонада жойлашган бўлиб, унинг асосий-ҳудуди тропик ўрмонлар билан эгаллаган.

Тоғ тизмалари материкнинг чекка қисмларида шаклланган бўлиб, асосий ёғинларни ушлаб қолади. Натижада марказий қисмida нам танқислиги кузатилади. Шу сабабли материкнинг асосий қисмини чўл, чалачўл, дашт саванна ва баъзан жуда зич қопламларни ҳосил қилувчи акация ва бошқа қурғоқчиликка чидамли дарахт ва буталардан тиашкил топган скреблар эгаллади. Шарқий ва жанубий-шарқий қисмларида йирик эквалиптиларни ташкил топган ўрмонлар, жанубий қисмida эса акациядан иборат ўрмонлар учрайди. Йил давомидаги ўртacha намлиқ Австралияниг турли ҳудудларида турлича бўлиб, ўзига хос флористик таркибнинг шаклланишига олиб келган. Флора таркибида доимий яшил ўрмонлар (очиқ уруғлилар) дан тортиб торопик ўрмонларигача

ўзига хос ўсимлик қопламлари шаклланган. Бундай флористик таркиб ҳудуд фаунаси белгтлашда алоҳида аҳамиятга эга.

Австралия чўллари ҳам ўзига хос (қумли, тупроқли, шўрхок, шагалли ва бошк.) бўлиб муайян типдаги ва ҳайвонот оламига эга.

Ҳудуднинг иқлимий ва флористик таркиби ҳайвонот дунёсини белгилашда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, областнинг турли зоналарида турлича аҳамият касб этади.

Қайд этилганидек, Австралия фаунасининг энг муҳим белгиси-унинг орол характерига эгалигидир. Бу областга тегишли айрим ороллар ҳеч қачон ўзаро ва Австралия материги билан алоқада бўлмаган. Агар алоқада бўлган тақдирда ҳам бу ҳодиса анча қадимда содир бўлган. Австралия ҳам йирик орол бўлиб, оролга хос хусусиятларга эга. Шу сабабли бу областнинг фаунаси бутунлай оролга хос бўлиб, биринчидан камбағал, иккинчидан камбағаллиги ва эндемикларининг кўплиги билан ажралиб туради.

Кўпчилик турлар бу областда тарқалмаган, тарқалганлари эса инсон фаолияти билан узвий боғлиқдир.

Австралияниң ғарбий қирғоқлари Дарлинг ва Виктория паст тоғликлари билан ўралган. Шарқий қирғоқ бўйлаб Катта Сувайирғич тоғ тизмаси чўзилган бўлиб, унинг айрим жойларида баландлик 2200 метргача етади.

Ёғинларнинг асосий қисми Австралияниң шимолий-шарқига тўғри келади. (Квинсленд). Худди шундай Тасмания оролида ҳам ёғингарчилик анча сероб. Шу билан боғлиқ холда қайд этилган жойларда турли таркибга ва кўринишга эга бўлган ўрмонлар шаклланган. Жумладан, шимолий-шарқда тропик, унинг жанубида субтропик, яна ҳам жанубда доимий яшил (очик уруғли ва кенг баргли) ўрмонлар шаклланган.

Австралияниң нам субтропик ўрмонларида ўзига хос йирик эквалипталар ўсади. Тасманияда эса жануб бук (нотофагус) ўрмонлари ва дарахтсimon папоротниклардан ташкил топган кенг баргли ўрмонлар шаклланган.

Жанубий-ғарбий қисми нисбатан куруқ ўрмонлар билан қопланган.

Австралия чўлларида ўсимликларнинг асосий қисми шўр кўллар ёки доимий бўлмаган сойларнинг атрофларида гина учрайди. Худди шундай чўлларнинг мазкур қисмларида ҳайвонот дунёси ҳам нисбатан бой.

Австралия чўлларида яшайдиган ҳайвонларнинг экологик гурухларидан ва экологик хусусиятларида ер шарининг бошқа қисмларидаги чўлларда яшовчи ҳайвонлар билан жуда ўхшаш белгиларни кузатиш мумкин. Жумладан, чўл шароитида намоён бўлувчи қатор экологик омиллар ҳайвонот дунёси учун экстремал шароит яратади. Бундай шароитда яшаш кўпчилик турлар учун анча нокулай бўлиб, у ёки бу омилнинг таъсири қилиш диапозониничекловчи омил даражасига етказади. Шу сабабли бўлса керак, Австралия чўлларида ҳайвонларнинг тур таркиби анча камбағал, иккинчидан уларнинг мофофизиологик белгиларида чўлга мослашиб билан боғлиқ қатор ўзгаришларни кўриш мумкин. Шуни таъкидлаш лозимки, Австралия чўлларида олиб бориладиган ҳар қандан антропоген фаолият бу жойдаги ҳайвонот дунёсининг тур таркибига у ёки бу даражада жуда тез таъсири этиши билан таърифланади. Шу сабабли ҳудуднинг чўл ҳайвонларини муҳофаза қилиш айни вақтда Австралияда долзарб масалага айланган.

3.2. Австралия фаунасига умумий тавсиф.

Австралия фаунаси учун хос хусусият фаунанинг нисбатан камбағаллиги, қадимилиги ва эндемизм даражасининг юқоришлигидир. Бунинг асосий сабаби Австралияниң йирик оролдан иборатлиги, унинг таркибига киравчи оролчаларнинг ўзаро ва Австралия материги билан мутлақа алоқада бўлмаганлиги ёки бу алоқанинг жуда қадимда юз берганлиги билан тушунтирилади.

Кўпчилик ҳайвон турларининг бу алоҳидалашган зоогеографик области кириб келиши чегаралангандир. Фауна таркибидаги ўзгаришларнинг аксарияти инсон фаолияти билан чамбарчас боғлиқ.

Австралия фаунаси таркибидан юксак йўлдошлилрдан кемирувчилар кўлқанотлиларнинг айрим турлари учрайди холос.

Област орол хусусиятиги эгалиги сабабли, унинг фаунаси таркибидан ҳозиргача ҳам реликт гурухга мансуб ҳайвонлар (тухум қўювчилар) ни учратиш мумкин.

Халталилар бу областда жуда бой тур таркиби эга бўлиб, уларнинг битта кенжа туркуми эндемиклардан ташкил топган.

Австралия страусларининг туркумлари ҳам эндемиклардир. Уларга эму ва казуарлар тегишилдир. Бундан ташқари икки хил нафас оловчи балиқлардан-шохтишисимонлар ҳам эндемиклардир.

Дастлабки сут эмизувчилар эндемик кенжа синфи ташкил этади. Бу кенжа синфа ягона туркум-бир тешиклилар киради. Бир тешиклилар туркумига иккита оила: ўрдак бурунлар ва ехидналар тегишилдир. Ўрдакбурунлар Австралияниң жанубида, Тасманияда учрайди. Ехидналарнинг иккита авлоди Янги-Гвинеяда ва чўл зонасидан ташқари бутун Австралияда тарқалган. Ўрдакбурунлар сувда яшайди. Уларнинг ташқи тузилишида сувда яшашга имкон берувчи қатор белгиларни кузатиш мумкин. Ехидналар тупроқ остидаги уяларида яшаб чумоли ва термитлар билан озиқланишга мослашишган. Тупроқда уя қазиш муносабати билан уларнинг оёқлари бақувватлашган, тирноқлари кучли, тумшуғи чўзилган, тили узун ва ёпишқоқ. Ехидналар Австралияда қазилма ҳолида ҳам топилган. Бу ҳол мазкур ҳайвонларнинг қадимда ҳам Австралияда чшаганлигидан далолат беради.

Халталилар туркумининг мазкур зоогеографик областида саккизта оиласи, 50-авлоди, 162-тури учрайди. Бу туркумга қуйидаги оиласалар киради: йиртқич халталилар-Dasyuridae; намбатлар ёки халтали чумолихўрлар Mymecobiidae; халтали кротлар-Notoryctidae; бандиқутлар- Phascolarctidae; опосумлар ёки фалангистлар-Vombatidae; кенгурулар-Macropodidae. Халталиларнинг турли-туманлиги, бойлиги Австралия фаунаси учун хос хусусиятлардандир.

Австралия областида юксак сут эмизувчилар ҳам учрайди. Улар фақат кемирувчилар ва қўлқанотлиларга мансубдир. Динго ити эса Австралияга яқинда олиб келинган турдир.

Австралия кемирувчилари сичқонлар оиласига мансуб. Каламушлардан ташқари материкда субэндемик кенжа оила-Hydromyinae вакиллари ҳам учрайди. Уларнинг ҳаёти ҳам сувда ҳам қуруқликда кечади (қундузсимон каламуш).

Кўлқанотлилар меваҳўр ва ҳашаротхўрлардан иборат. Улар орасида эндемик турлар кенг тарқалган.

Айни вақтда Австралия сут эмизувчилари инсон таъсирида кучли ўзгарган ва европа турларини келтирилиши оқибатида “европалаштирилган”.

Област қушлари 50-оиласага мансуб бўлиб, улар 600-турли ўз ичига олади. Шундан 400-тур эндемиклардир. Учолмайдиган йирик қушлар-казуарнамолар туркуми бу облас учун хосдир.

Австралияда ва Тасманияда эму оиласига мансуб ягона эндемик тур учрайди. У дашт ва саванналарда яшаб мевалар билан озиқланади. Казуарлар эса (3-тур) асосан Янги-Гвинеяда қисман материкнинг шимолий-шарқий қисмida тарқалган ер усти қушларидир.

Қушлар фаунаси таркибидан эндемик лирадумлилар оиласи (2-тур) ҳам алоҳида аҳамияга эга. Булар йирик, содда 75-100 см, баландликдаги чумчуксимонларга мансуб турлардир. Лирадумлилар зич бутазорларда яшайди. Уларнинг думли лира музика асбобини эслатади. Бу қушлар муҳофазага олинган. Улар Австралияниң жанубий қисмida учрайди. Бутазор қушлари-Atrichognithiidae ҳам эедемик оиласи ташкил этади (2-тур). Мазкур турлар йўқолиб кетиши хавфи остида.

Областнинг шимолий қисми узун жаннат қушлари характерли бўлиб, пар-патларининг шакли ва ранги билан тубдан ажralиб туради. Бу турлар (40 тур) Янги-Гвинея ва унга қўшни оролларда яшайди. Уларнинг пат-парларининг чиройлилиги инсон томонидан қўплаб кирилишига сабаб бўлган (XIX-аср охирида йилига 50 мингтагача овлланган).

Капачи қушлар оиласининг вакиллари (40-тур) мевалар, моллюскалар ва ҳашаротлар билан озиқланади. Улар Янги-Гвинея ва унга яқин оролларда яшайди. Австралиянинг шимолий-шарқида ҳам уларни учратиш мумкин. Бу қушлар айрим турларининг нарлари ката куриб уни турли гуллар, барглар, чиғаноқлар билан безайди. Уларнинг ҳақиқий тухум кўядиган уялари эса оддий бўлиб бошқа жойда-дараҳтларда жойлашади.

Хас товуқлар-Megapolidae оиласи Австралияда бир нечта турлардан иборат бўлиб, улар материкнинг қуруқ, марказий қисмида ҳамда унинг шимолий-шарқий ўрмон қисмида тарқалган. Бу қушлар ўзига хос кўпайиш хусусиятига эга. Улар тухамларини қумга, тупроқка, вулканлар ҳосил қилган кўлга ёки чириётган ўсимлик қолдиқларида кўмиб қўйишади. Бу жойда иссиқлик таъсирида инкубация даври кечади яъни тухумлар қушлар томонидан босилмайди.

Австралия тўтиларига какаду, розелла, товланма тўтича каби турларни киритиши мумкин. Розелла тўтиси инсоннинг йўлдошига айланган тур бўлиб, баъзи жойларда улар буғдой, мевалар ва бедага зарап етказади. Товланма тўтича эса кўпинча уй қуши сифатида сақланиди. Австралиянинг жанубида элегант тўтича яшайди. Бу тур фақат Австралия ва Янги Зеландия учун хосидир.

Области учун кўргина кўк тарғоқлар ҳам характерли. Улар орасида йирик кўлгувчи кўк тарғоқ ёки қаҳ-қаҳчи *Dacelo gigas* илонлар ва калтакесаклар билан озиқланади.

Чумчукнамолар туркумига мансуб асал сўрувчилар-Meliphagidae оиласига (160 тур) ҳам бу зоогеографик облас учун характерлидар. Улар Австралиядан ташқари Полинезия ва Янги Зеландияда ҳам тарқалган. Мазкур турлар гул нектари ва чанги ҳам ҳашаротлар билан озиқланишади. Уларнинг кўпчилиги эквалиптиларнинг чангланишида муҳим аҳамиятга эга.

Австралияда ўрдаклар, ғозлар, сақоққушлар, бургутлар ва лочинлар ҳам тарқалган. Австралияда кенг тарқалган қуш турлари Grallinidae (тўрғайлар), Artamidae (ўрмон қалдирғочлари) ва Greasticidae (Австралия зағизгонлари) оиласирига мансубдир.

Судралиб юрувчилар Австралияда асосан оролга хос хусусият касб этган. Бу обласдда 400-тур судралиб юрувчилар учрайди. Шундан 240-тур калтакесаклар, 140-тур илонлар, 10-тур тошбақалар ва 3-тур тимсоҳлардан иборат.

Материкда илонбош тошбақалар оиласи учрайди (Chelydidae). Улар Австралиядан ташқари Янги-Гвинея ва Жанубий Америкада ҳам тарқалган. Бу оила вакиллари бўйинларини ичига тортолмайди балки ён бошига букади. Улар чучук сув балиқлари ва умуртқасизлар билан озиқланишади. Икки тирноқли тошбақалар оиласи ҳам бу ҳудуд учун хос рептилиялардандир.

Австралияда майда эндемик тур-австралия тор тумшуқли тимсоҳи яшайди. Бундан ташқари янги-гвинея ва тароқли тимсоҳлар ҳам облас учун хос турлардир.

Калтакесаклардан гекконлар бутун облас бўйлаб кенг тарқалган бўлиб, улар ажойиб ташки тузилишга эга (думи кучли сиқилган ёки йўғонлашган). Тангача оёқлилар оиласи (13-тур) эндемик бўлиб, уларнинг танаси илонга ўхшаб чўзилган, олдинги оёқлари йўқ. Орқа оёқлари эса кўпинча редукциялашган. Улар асосан материкда тарқалган (12-тур, 1-тур Янги-Гвинеяда тарқалган).

Австралиянинг шимолий-ғарбий районларида плашли калтакесак яшайди, унинг бўйини атрофида тери бурмалари яъни “ёқа” мавжуд бўлиб (эркакларида ёйилган ёқасининг диаметри 15 см.ни эгаллайди), у орқали калтакесак душманларини чўчитади. Бу калтакесак хавф туғилганда орқа оёқларида таяниб вертикал ҳолда қочишига ҳам мослашган. Худди шундай молоҳ-moloch horridus калтакесагининг бутун танаси (20 см) турли-туман мугуз тикан ва ўсимталар билан қопланган. У қумли чўлларда яшаб чумолилар билан озиқланади. Териси жуда гироскоп ва сувни шимиш хусусиятига эга бўлиб, уни фильтровчи қофозга қиёслаш мумкин. Бунинг натижасида калтакесакнинг массаси деярли 30 % гача ошади. Бундай хусусият унга ёмғир сувидан фойдаланиб қуруқ чўл шароитида яшай олишга имкон беради.

Австралия сцинклари эндемик авлодларга мансуб (тиканли сцинклар ва бошқалар). Қисқа думли сцинк- *Trachysaurus rugosa*-тирик туғиши хусусиятига эга. Унинг эмбриони тухум қобигига эга эмас. Эмбрион ривожланишда тухум йўлида йўлдош орқали онасининг қони билан озиқланади.

Областда эчкиэмарлар анчагина. Улар орасида энг майдаси-қисқа думли эчкиэмардир (20 см).

Австралия илонлари кўпинча кенг тарқалган илонлар гуруҳига мансуб, аммо улар орасида эндемиклари ҳам учрайди. Буларга тропиколопиткўрилонлар, питонлар (ромбсимон питон ва бошқ.) тегишлидир. Заҳарли илонлар заҳарсизларга қараганда устунлик қиласиди. Заҳарли илонлар аспидсимонларга тегишли бўлиб, улар қадимги ва сода илонлардан ташкил топган. Аспидсимонларнинг 22 авлоди учрайди. Улардан тайпанлар (3,5 метр) ва йўлбарс илонлар ва бошқалар алоҳида ажралиб туради. Йўлбарс илонлар заҳарли ер юзасида (куруқликда) тарқалган илонлар орасида энг кучли деб ҳисобланади.

Амфибиялар фаунаси таркибида думлилар мутлақо учрамайди. Думсизлар орасида қурбақалар, квакшалар, свистунлар учрайди. Свистунлар 56-турга мансуб, квакшаларнинг Австралия ва Янги-Гвинеяда 44-тури учрайди. Австралия қурбақаси –*Chiroleptes platycephalus*-материкнинг марказий қисмидаги чўлларда яшайди. У тана бўшлиғи ва тери остидаги бўшлиққа сувни захира ҳолида йигади. Маҳаллий аҳоли бу сувдан ичимлик сифатида фойдаланади.

Австралия, Африка ва Жанубий Америкада қадимги реликт гуруҳ-икки хил нафас олувчиликнинг ягона вакили мугуз тишли балиқ-*Neoseratodus forsteri* учрайди. Бу йирик (узунлиги 175 см гача, массаси 10 кг) балиқ секин оқувчи дарёларда тарқалган. Дарёлар қуриб қолганда, сув тубидаги балчиққа ботиб ўпка билан нафас олади.

Худди шунга ўхшаш суюқ тиллилар оиласига мансуб склеропагос-*Selectropages leichhardtii* ҳам атмосфера ҳавоси билан сузгичпуфаги орқали нафас олишга лаёкатлидир.

Голлаксисимонлар оиласи-*Galaxiidae* бўликлари ҳам ажралиб хусусиятлари билан ажралиб туради. Бу гуруҳга мансуб балиқлар фақат жанубий ярим шарда тарқалган. Уларнинг 24-тури Австралия ва Тасманияда, 20-тури Янги-Зенландия, 7-тури Жанубий Американинг жанубида, 2-тури Жанубий Африкада тарқалган. Бу оиласининг 3-авлоди Австралия учун эндемикдир.

Бу зоогеографик областда карпсимонлар учрамайди. Балиқларнинг кенг тарқалган бу гурухининг мазкур областда учрамаслиги, дарёларнинг камлиги билан тушунтирилади.

Австралия областида умуртқасизлар фаунаси хилма-хиллиги нисбатан паст кўрсатгични эгаллади. Кундузги капалаклар ва бошқалар материкнинг шимолий шарқидагина учрайди. Ҳашаротлардан чумолилар кенг тарқалган бўлиб, улар нисбатан қадимий сода турлардан ташкил топган. Термитлар (170-тар) бу областда нисбатан кам. Фитофаглар орасида тўғри қанотлилар фаунаси анча бой. Умуман олганда энтофауна мазкур областда примитив, кенг тарқалган турлардан иборат. Яшил тикувчи чумолилар ўзига хос бўлиб, улар барглардан уя қуришда (тўқишида) игна сифатида ўзларининг личинкаларидан фойдаланишади.

Ўргимчаксимонлар туркумидан авлодларнинг кўпчилиги эндемиклардир. Бу областда энг йирик ёмғирчувалчанглари-мегасколецид оиласи вакиллари учрайди. Уларнинг узунлиги 2,5 метргача етади.

Австралия обласгининг фаунаси ландшафтларининг турли-туманлигига қарамай бир хилликка эга. Фақатгина Янги-Гвинеяда ва унга қўшни ороллар ҳамда материкнинг шимолий чеккасида фауна нисбатан хилма-хил.

Австралия зоогеографик области иккита кенжа областга бўлинади: Австралия ва Папуас (Янги-Гвинея) кенжа областлари.

3.3. австралия кенжа области.

Австралия кенжа области чўл ва саваннага хос ҳайвонлар билан эгалланган. Бу чўл зонасининг ҳайвонот гурухи узоқ тарихий алоҳидаланиш шароитида ва камбағал

фаунистик таркиб асосида шаклланган. Мазкур кенжә областда қатор йирик ҳайвонлар гурухлари, жумладан йильтүркіч ва туёқли сут эмизувчилар ва бошқалар учрамайды.

Шу билан бир қаторда Австралия областининг чўл шароитига нисбатан адаптацияланиш ҳамда ўзига хос ҳаётий шакллар етарли даражада яққол намоён бўлган. Турларнинг кўпчилик қисми чўл зонасида ҳам саваннада ҳам учрайди.

Австралия кенжә области Австралия материгининг асосий қисмини (шимолий қисмидан ташқари), Тасманияни ва унинг шарқида жойлашган қушни оролларни ўз таркибига бирлаштиради. Тропикдан тортиб мўътадил зонагача бўлган экологик шароит мавжудлигига ҳамда худуднинг катталигига қарамай фаунасининг тур таркиби нисбатан камбағал. Бундай хусусият худуднинг алоҳидалашганлиги билан тушунтирилиши мумкин.

Сут эмизувчилар фаунаси таркиби (кўл қанотлилардан ташқари)да 41-авлод, 139-тур учрайди, шундан 34-авлод 106-тур халталиларга тегишлидир.

Битта гурухга алоқадор бундай хилма-хиллилик орол фаунасига хос характерли хусусиятлардан биридир.

Халталиларнинг 6-оиласи учрайди, уларнинг деярли ҳаммаси эндемиклардир.

Чўл ва саваннада учрайдиган халталиларги малла ва кул ранг кенгуру, воллаби ва кенгурусимон калламушни киритиш мумкин. Бу турлар туёқлилар бўлмаган пайтда асосий фитофаглар ролини бажаришади. Мазкур гурухга халтали қўшоёқчани, халтали сичқонларни ва халтали каламушларни ҳам киритиш мумкин. Айни вақтда кенгурусимон каламушлар итлар ва тулки томонидан кўплаб кирилган. Улар қуёнлар таъсирида ҳам ўз ареаллари қисқаришига мажбур бўлишмоқда. Ҳозирда кам сонда чала чўл зонасида сақланиб қолган.

Кушларнинг 270-авлоди учрайди. Шундан 100 таси эндемиклардир. Тасқара, вьюрок, қизилиштон. Чуғурчуқ ва бошқа айрим қушлар гурухлари учрамайды.

Кенжә областнинг арид зонаси учун хос бўлган энг типик қуш тури-эмудир. Барча қурғоқчил зоналарда қушлардан тўқимачилар ва майда тўтилар каби бошоқлиларнинг ургулари билан озиқланувчи турлар тарқалган.

Айниқса чўл зонаси учун турли-туман рептилиялар хосдир. Улар орасида калтакесаклар устунлик қиласи. Айниқса, агамалар, сцинклар ва эчкемарлар оиласидан нисбатан кенг тарқалган.

Қўлқанотлиларнинг хилма-хиллиги нисбатан юқори даражада намоён бўлади. Уларнинг 14-оиласи ва тахминан 30-тури учрайди. Аммо улар орасида эндемиклар кам. Битта авлод ва 17-тур даражасидаги эндемиклар учрайди.

Бир тешиклилардан факат ўрдакбурун учрайди.

Умуртқасизлардан унча кўп бўлмаган сапрофаг-термитлар нисбатан кенг тарқалган. Худди шундай чумолиларни ҳамма жойда учратиш мумкин. Айниқса, йирик, тажовускор. Бульдог чумолилар катта жағлари ҳамда наштари билан ажралиб туради. Улар содда тузилишга эга бўлган понерин кенжә оиласига мансуб бўлиб, Африкада ҳам учрайди. Аммо Австралияда уларнинг қадимги вакиллари тарқалган.

Бута ва ўт ўсимликларининг ярусларида ҳамда хазондан шаклланган қатламда турли-туман чигирткалар, жуфт қанотлилар капалаклар, сувараклар, чумолилар жуда мўл. Акацияларнинг илдизларида айрим кўнғизларнинг йирик личинкалари яшашади. Улар аборигенлар учун севимли озиқа саналади.

3.4. Папуас (Янги-Гвинея) кенжә области.

Папуас кенжә области Целебес, Тимор, Молукк ороллари, Янги-Гвинея, Соломонов ороллари, Бисморк архипелаги ҳамда қатор майда оролларни ўз таркибига бирлаштиради. Бу кенжә областга Австрвлияning чекка шимолий қисмини ҳам киритиш мумкин. Чунки бу қисми орқали Австралия илгари Янги-Гвинея билан туташган, шу сабабдан улар ўзаро ландшафтлари билан ўхшаш.

Кенжә област чегарасида сут эмизувчиларнинг (қўлқанотлилардан ташқари) 38-авлоди учрайди. Қўлқанотлилар жуда хилма-хил бўлиб, уларнинг 8-авлоди эндемиклардир.

Умуман олганда Папуас кенжә обласгининг фаунаси тропик ва субтропик ўрмонларда тарқалган бўлиб, улар асосан Янги-Гвинея ва материкларнинг шимолий-шарқий чеккасига тўғри келади. Fauna бой. Ҳаёти тропик ўрмонлар билан боғлиқ бўлган ҳайвонлар гурӯҳи доминантлик қиласиди.

Сут эмизувчилардан бир ҳалтатлилар ва бир тешиклилар характерли саналади. Бир тешиклилардан еҳидна ва проехидналар учрайди.

Тоғ-ўрмон ландшафтларининг кўплиги йирик кенгурулар турларининг учрашини чеклади. Чунки бундай йирик турлар текислик зоналарида яшашга мослашган. Бу жойлардаги дараҳтларда яшовчи майда товушқонсимон кенгурулар, бандиқутлар ва бошқалар учрайди. Юксак сут эмизувчилар, сув сичқонлари, папуас чўчкаси ва кўп сондаги қўлқанотлилардан ташкил топган.

Кушларнинг 151-авлоди учрайди. Шундан 87-авлоди эндемикларга тўғри келади.

Казуарларнинг 3-тури бу учрайди. Капачи қушлар ва жаннат қушлари ҳам бу ҳудуд учун характерлидир. Тўтилардан қора ва оқ какаду, каптарлардан йирик каптар тарқалган. Кўк тарғоқлар, хас товуқлар ва бошқалар турли-туман бўлиб, юқори зичликка эга. Йиртқич қушлардан гарпия тарқалган.

Рептилиялар кам сонда тарқалган. Гекконларнинг эндемик авлоди ва тошбақаларнинг эндемик оиласи бу кенжә област учун характерли. Рептилиялар фаунаси таркибининг асоси гекконлар, сцинклар, эчкиэмарлар, тимсоҳ, терили тошбақа, кўп сондаги илонлар (уларнинг катта қисми заҳарли илонлар ташкил этади) дан иборат.

Амфибиялардан-бақалар яшайди.

Шуни таъкидлаш лозимки, Австралия области фаунаси таркибида мезазой ва учламчи даврда яшаган ҳайвонлар вакиллари сақланиб қолган. Жумладан бу жойда ҳалталилар ва тухум қўювчилар фаунанинг асосини ташкил этади. Fauna таркибининг бундай ўзига хослиги унинг турли биотик ва антропоген таъсиirlаридан нисбатан тез ўзгариўга, ҳайвонот дунёсининг камбағаллашувига сабаб бўлмоқда.

3.5. Faunani “европалаштирилиши” ва унинг аҳамияти.

Юқорида таъкидланганидек, Австралия фаунасининг нисбатан қадимиyllиги унинг таркибидаги ҳайвонот вакилларининг морфологик ва физиологик тузилишини соддалигига ҳам яққол сезилади. Бундай тузилиш айни вақтда эволюцион жараёнларнинг кечишида кўпчилик турлар учун нокулайликлар туғдиради (ареали қискаради, сони камаяди, қирилиб кетади). Табиий эволюция билан бирга инсоннинг fauna таркибига кўрсатадиган турли бевосита ва билвосита таъсиirlари ҳам област ҳайвонот дунёсининг антропоген трансформацияланишига олиб келди.

Жумладан, ҳозирда бу обласгининг барча ҳудудларида ёппасига турли ҳайвон турлари (асосан европа ҳайвонлари) интродукция қилинган ва бу жараён давом этмоқда. Бундай турлар онгли равишда ва тасодифан келиб қолган бўлиб, у ёки бу даражада ҳудуднинг биокомплексларига ўз таъсирини ўтказмоқда. Шундай турларнинг айримлари шу даражада тез кўпайиб кетганки, улар давлат учун хавф туғдириши даражасига етган. Жумладан, қуёнларнинг келтирилиши ўтлоқларнинг асосий қисмини йўқолиб кетишига сабаб бўлган. Оқибатда ҳалталиларнинг тур сони ва зичлиги камайиб кетган. Натижада кенгуруларнинг айрим турлари ҳалтали бўри, бир неча тур вомбатлар қирилиб кетган. Австралияда ҳозирда буғулар, серна, европа тулкиси, русак товушқони ва бошқа қатор келгинди турларни учратиш мумкин.

Австралия обласгининг фаунаси таркибидаги дастлабки, табиий шаклланган турларнинг кўпчилиги йўқолиб кетиш хавфи остида турибди. Айнан шу сабабли ҳозирда Австралияга ҳайвонларни олиб келишни таъқиқловчи жуда қаттиқ қонунлар амал қилмоқда. Худди шундай ноёб маҳаллий турларни ҳудуддан олиб кетишни чекловчи

қонунлар ҳам жорий қилинган. Йүқолиб кетаётган эндемикларни қўриқхоналар орқали сақлаб қолиш тадбирлари амалга оширилмоқда.

Австралияning фаунаси таркибига олиб келинган ҳар қандай тур у ёки бу даражада маҳаллий фаунага ўз таъсирини ўтказади. Жумладан, Австралияга қорамолларнинг олиб келиниши дашт зоналарида кўплаб гўнгнинг йиғилишига сабаб бўлган. Оқибатда одатда халталиларнинг экскриментлари билан озиқланувчи маҳаллий гўнг қўнғизлар қорамолларнинг экскриментларини истеъмол қилиб (қайта ишлаб) улгурмаган. Натижада гўнг ўтчил ўсимликларнинг ривожланишига тўсқинлик қилган. Мазкур муаммони ҳал қилиш мақсадида Австралияга Европа ва Америка фаунасидан бир неча тардаги капрофаг қўнғизлар олиб келинган. Улардан 6-тур қўнғизлар муваффақиятли иқлимлаштирилган. Бу қўнғизлар гўнгни тупрок орасига олиб кириб унинг унумдорлигини оширган. Шу билан бирга гўнг билан озиқланувчи чивинларнинг сонини қисқаришига сабаб бўлган. Кўриниб турибдики, фауна таркибига бирта турнинг киритилиши у билан боғлиқ қатор масалаларни ҳал қилиш муаммосини келтириб чиқарган.

Европа тулкисининг Австралияга келтирилишидан асосий мақсад тулки овини ўюштириш бўлган. Аммо тулкиларнинг ўзлари майда халталиларни ов қилишни ўзлаштиришган ва оқибатда айрим жойларда уларнинг бутунлай қирилиб кетишига сабаб бўлган.

Инсоннинг бевосита ва билвосита таъсири остида муайян ҳудуднинг маҳаллий фаунаси албатта тур таркиби ва сони жиҳатидан ўзгаради. Б. Гржимек (1977) маълумотларига кўра кейинги 400-йил ичida 130-турдаги сут эмизувлар ва қушлар қирилиб кетган. Шундан 76-тури биринчи жаҳон урушидан кейин қирилиб кетганлиги аниқланган. Яна 550-тур ҳайвонлар бутунлай йўқолиб кетиш хавфи остида турибди. Бундай ҳолат айниқса оролларда ва маҳаллий фаунага келгинди турларнинг кириб келиши оқибатида содир бўлиши кўпроқ кузатилади. Айниқса нисбатан майда оролларда яшовчи эндемиклар юқоридаги таъсиrlар натижасида кўпроқ зиён кўришади.

Европа ва Шимолий Америка фаунасига мансуб турлар анча рақобатбардош бўлиб, улар нисбатан морфофизиологик жиҳатдан содда тузилган австралияning маҳаллий фаунасини ўз яшаш жойларидан сиқиб чиқаради.

Баъзида ҳайвонларни ҳатто онгли равища иқлимлаштириш жараёнларида ҳам унинг янги яшаш жойида бошқа биоценоз элементлари билан бўладиган экологик муносабатлари эътиборга олинмайди.

Жуда кўпчилик ҳайвонлар инсон томонидан тасодифий равища ҳам келиб қолган. Бундай ҳайвонларга биринчи навбатда турли экто ва эндопаразитлар ҳамда инсоннинг йўлдошига айланган синантроп турларни мисол қилиш мумкин. Жумладан, кулранг ва қора қаламушлар, уй сичқонлари, бурга ва каналар турли ҳайвонлар ёки бошқа объектлар орқали кириб келган.

Инсон томонидан онгли ва тасодифий равища ҳайвонларнинг бир яшаш муҳитидан иккинчисига ташилиши ҳайвонларнинг тарқалиш имкониятларини чексиз оширади. Ҳатто экологик вагиллиги паст даражада бўлган турлар ҳам кенг тарқалиш, янги муҳитни эгаллаш имконига эга бўлишади. Ҳайвонларнинг табиий равища кечиб ўтиши қийин бўлган тўсиклари антропоген омиллар ёрдамида жуда киска муддатда бартараф қилинади. Аммо шуни қайд қилиш лозимки, инсон томонидан ёки тасодифий келиб қолган турларнинг барчаси ҳам узоқ муддат янги шароитда яшаб кетолмайди. Бу ҳолатда ҳам уларнинг ҳаётида содир бўлувчи турли муносабатларга инсоннинг аралашуви лозим бўлади. Айниқса ҳайвонот дунёси анча бой ва материк хусусиятига эга бўлган ҳудудларда иқлимлаштирилган ёки тасодифий келиб қолган турларнинг яшаб кетишилари анча қийин кечади. Аксинча оролларда ҳамда ҳайвонот дунёси зич бўлмаган ҳудудларда келгинди турларнинг арқалиб кетиши ва янги экологик жавонларни эгаллаши жуда тез ва муваффақиятли кечади.

Турларнинг янги жойда яшаб кетиши унинг турлараро қурашдаги рақобатбардошлигига боғлиқ бўлади (экологик валентлик). Агар бу кўрсаткичлари юқори

бўлса, мазкур тур ўзига ўхшаш бошқа, кўрсатгичлари бўйича паст поғонани эгалловчи турларни сиқиб чиқаради. Айнан мана шундай ҳолатларини олдиндан қўра билиш ҳар қандай турни иқлимлаштиришда ва унинг келгусида биоценозда тутган ўрнини белгилашда жуда муҳимдир.

Европа чумолилари ва тупроқчувалчанглари Австралия ва бошқа қатор областларда (Жанубий Америка, Жанубий Африка, Янги-Зеландия) анча тез тарқалиб кетган. Бунинг асосий сабаби маҳаллий турларнинг чекиниши (сиқиб чиқарилиши) яъни рақобатга бардош беролмаганлигидир. Айни вақтда Австралияда тупроқчувалчангларининг маҳаллий турларни топиш жуда қийин.

Қайд этилганидек, Австралияга шимолдан келтирилган динго ити, халтали бўри (*Thylacinus*) ва комбатин (*Phascolomus*) ўз ареалидан сиқиб чиқарилган. Улар айни вақтда динго итининг тарқалиши қийин бўлган Тасманияда сақланиб қолишиган.

Кузатишларнинг кўрсатилишича, шимолий ярим шарда яшовчи турлар жанубий материкларга тушиб қолганларида уларни жадал сиқиб чиқаришади. Одатда фаунани “европалаштириш” маҳаллий турларнинг сиқиб чиқарилиши билан узвий боғлиқдир. Бу ҳолатда “Евро-Осиё турларининг устунлиги” қонунияти амал қиласи. Буни Евро-Осиё турларининг жанубий даражадаги тузилиши (морбофизиологик) ва бошқалар билан тушунтириш мумкин. Шу нуқтаи-назардан олганда Австралия фаунаси таркиби айни вақтда асосан шимолий ярим шарда яшовчи турлар ҳисобига шаклланиб бормоқда. Бундай шароитда маҳаллий фаунани сақлаб қолиш муаммоси асосий масалалардан биридир.

Евро-Осиё фаунаси асосан учламчи давр охири, тўртламчи даврларда шаклланган. Австралия фаунаси таркибидаги халталилар ва бурун тешиклилар эса мезозой эрасига хос турлардир. Юқорида келтирилган маълумотлар бу фикрларни тасдиқлади.

Шундай қилиб, бир турнинг иккинчи бир турни ўзи яшаётган муҳитдан сиқиб чиқариши одатда қон-қариндош бўлмаган систематик жиҳатдан узоқ турли геологик даврларда пайдо бўлган турлар орасида содир бўлади. Бу ҳодиса кўпинча қадимий ва замонавий турлар орасида кўпроқ кузатилади. Австралиядаги халталилар ва йўлдошлилар орасидаги муносабатларда, аникроғи яшаш муҳити учун бўлган курашда бу ҳолатни яққол кузатиш мумкин.

3.6. Маҳаллий фаунанинг муҳофазаланиши.

Юқоридаги баён этилгандардан кўриниб турибдики, Австралия фаунаси кейинги йилларда туб ўзгаришларга учраган. Европаликларнинг Австралияга кириб келиши фауна таркибининг бутунлай Евро-Осиёга хос турлар билан эгалланишига (европалаштирилишига) олиб келган.

Ҳар қандай муҳитда яшашидан қатъий назар инсон ўзининг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондира оладиган нарса ва ҳодисаларга эҳтиёж сезади ҳамда уни ишлаб чиқаришга, кўпайтиришга интилади. Афсуски, мазкур фаолиятни амалга оширишда у табиат комплексларига қай даражада кучли таъсир кўрсатаётганлигини кўпинча анча кеч тушуниб етади. Худди шундай Австралия материги ва областига тегишли бошқа оролларда автохтон турларнинг кўпчилиги турли анторпоген омиллар таъсирида қирилиб кетган, сони камайган ёки ареали қисқарган.

Дастлабки келгиндилар томонидан олиб келинган турларнинг кўпчилиги онгсиз равища тасодифий келиб қолган турлардан (ҳашаротлар, ўргимчаклар, моллюскалар, қисқаичбақалар, чувалчанглар) ташкил топган. Баъзи чорва моллари (қорамол, кўй эчки, ҷўчқа) паррандалар (хонаки каптарлар, товуқ, ўрдак ва бошқ.) онгли равища келтирилган бўлиб, улар билан биргаликда ҳар бир турнинг ўзига хос микрофаунаси (экто ва эндопаразитлари) ҳам Австралия худудига кириб келган.

Австралия области маҳаллий фаунасининг тўлалигича мезазой эраси ва учламчи даврга хос эканлигини ҳисобга олганда, фауна жуда қадимий келиб чиқишига эга бўлган, нисбатан содда тузилган вакиллардан ташкил топган. Юксак тузилишаг эга бўлга

турларнинг бу жойга турли йўллар билан кириб келиши маҳаллий фаунанинг камайиб кетишига сабаб бўлмоқда.

Иқлимлаштирилган ёки тасодифий келиб қолган турларнинг айримлари шу даражада кўпайиб кетганки, улар Австралия учун ҳақиқий хавф туғдирувчи омилга айланган. Жумладан, қуёnlарнинг бу жойга келтирилиши халталиларнинг тур сонини ва ҳар бир турга киравчи индивидлар сонининг қисқаришига сабаб бўлган. Кенгуруларнинг айрим турлари ва халтали бўри бутунлай йўқолиб кетган. Худди шундай вомбатларнинг айрим турлари ҳам йўқолган.

Австралия областининг дастлабки фаунасини асосий қисми йўқолиб кетиши хавфи остида турибди. Айнан шуни олдини олиш мақсадида ҳозирда Австралияда ҳайвонларни олиб келинишини таъқиқловчи жуда қаттиқ қонунлар жорий этилган. Худди шундай турли мақсадларда кам сонда учровчи маҳаллий ҳайвонларни областдан ташқарига олиб кетилиши ҳам кучли назоратга олинган. Йўқолиб кетиш арафасида турган эндемикларни қуриқхона шароитида саклаш чора-тадбирлари ишлаб чиқилган.

Ҳозирда Австралияда бир нечта йирик миллий боғлар ташкил этилган. Уларнинг айримлари тўлиқ сим тўр билан ўраб олинган бўлиб, бошқа ҳайвонларнинг бу жойга кириши ёки бошқа жойларга чиқиб кетиши чегараланиб қўйилган.

Шундай бўлишига қарамасдан Австралиянинг йирик тажовузкор йиртқичлардан саналган динго или сим тўрларнинг остини ковлаб миллий боғлардаги ҳайвонларнинг қўплаб қирилишига сабаб бўлмоқда. Баъзида сим тўрдан ташқарига чиқиб кетишга уринган ҳайвонларнинг айримлари унга илиниб нобуд бўлиш ҳоллари ҳам учраб туради.

Австралияга дастлабки одамлар (келгиндилар) муз давридан кейин кириб келишган. Бу даврда тубан сут эмизувчилар бу жой фаунасининг асосини ташкил этган. Бу ҳимоясиз ҳайвонлар дастлабки келгинди овчиларга жуда осон ўлжа бўлган. Бу даврда асосий ов қуролларидан содда тузилган бумеранг ва найзалар бўлган. Одамлар ва динго или халтали бўрини (*Tylacinus cyposefolos*) ўз ареалидан (Австралия) сиқиб чиқарган. У кейинчалик тасманияда сакланиб қолган ва ниҳоят энг йирик халтали йиртқичлардан бўлган халтали бўри XX асрнинг ўрталарида инсон томонидан бутунлай қириб ташланган.

Йирик халтали ҳайвон –*Diprotodon optatum* (каркидон катталигидаги ҳайвон) иқлимининг ўзгариши натижасида қирилиб кетганлиги ҳакида мульумотлар бор. Аникроғи Австралиянинг кўпчилик қисмини чўлга айланиши бунга сабаб бўлган.

Австралия худди шундай Жанубий Америка ва Африкада айни вақтда ҳам маҳаллий аҳолининг аксарият қисми ҳайвонот дунёси билан ёнма-ён равишда жуда яқиндан алоқада яшаб келмоқда. Шуни айтиш лозимки, абороген аҳоли ов жараёнида ҳайвонот дунёсининг бутунлай қирилиб кетишини олдини олиш бўйича ўзига хос услбулардан фойдаланишади ва уларнинг сонини сакланиб қолишини таъминлашади. Бу ҳолатни маҳаллий ҳалқнинг сон жиҳатдан камлиги ва ов қуролларининг соддалиги билан тушунтиришга уринишади, аслида эса бу ҳалқлар ўзига хос ов қонунларига амал қиласди, (маълум микдорда ов қилиш, ўзини ов қилишдан жиловлаш ва бошқ). Масалан, янги Гвинеянинг Жанубий қирғоқларида яшовчи меланизий қабиласи ҳар йили денгиз қушларининг тухумларини йиғиши билан шуғулланади. Лекин улар қушлар популяциясининг сонини саклаш мақсадида уяда албатта маълум микдорда тухумларни қолдиришади. Аммо кейинчалик мазкур қабила яшайдиган жойга бошқа бир қабиланинг ҳам келиб қўшилиши бу оқ услубининг бузилиб кетишига ва қушларнинг уя калониялари йўқолиб кетишига сабаб бўлган.

Худди шунга ўхшаш Янги-Гвинеянинг шарқий қимидағи қишлоққа келган “янги” австралийлик овчи балиқ овлашнинг нисбатан самарали усулини жорий этишни таклиф қилганида, қишлоқ оқсоқоли бунга йўл қўймаган, ҳамда балиқларнинг қирилиб кетишидан хавфсирашини маълум қилган.

Жаннат қушларининг нарларидаги парлар кийимларни безаш мақсадида фойдаланилганлиги оқибатида уларнинг сони камайиб, ареали қисқариб кетган. Маҳаллий аҳоли шундай турлардан *Paradisaea opoda raggiana* ни ўзларининг қабилалари мулки сифатида ардоклашади ва фақат кари вакилларини гина овлашади.

Замонавий цивилизациянинг Австралияга тобора чуқур кириб келиши, унинг такомиллашуви маҳаллий фауна тур таркибининг камбағаллашувига, кўпчилик турларнинг муҳофазага олинишига сабаб бўлувчи асосий омиллардан биридир.

IV-БОБ. НЕОТРОПИК ЗООГЕОГРАФИК ОБЛАСТИ

4.1. Неотропик областининг географик ўрни ва табиий шароити.

Неотропик области бутун Жанубий Американи, Марказий Американинг катта қисмини (шимолда Мексика яssi тоғликларигача), Катта ва Кичик Антиль, Багам, Галапагос, Хуан-Фернандес каби оролларни ҳамда бир қатор майдада оролларни ўз таркибига киритади.

Бу обласст асосан торпик зонада жойлашган бўлиб, факат унинг энг жанубий чекка қисми мўътадил зонани эгаллади.

Ўсимликлар қопламишининг тақсимланиши иқлимий хусусиятлар билан боғлиқ. Жумладан, Амазонканинг текисликлари ва бошқа тропик зонадаги районларда нам экваториал ўрмонлар (гилеялар) шаклланган. Жанубий Америка гилеяларининг умумий майдони 5 млн кв.км дан ортиқ майдонни эгаллади. Бу жойлардаги ўртacha йиллик ёғин миқдори 2500-3000 мм. ни ташкил этади, ўртacha ойлик ҳарорат 23-29 С, йиллик ҳарорат эса 24-27 С атрофида тебранади. Амазонка ўрмонларига хос бўлга хусусиятлардан бири ботқоқлашган ёки даврий равишда сув босиб турадиган участкаларнинг мўллиги дидир. Жанубий Американинг экваториал нам ўрмонлари ўзининг ташки қиёфаси билан шу типдаги Африка ўрмонларига ўхшайди, аммо флорасининг таркиби билан Африкага қараганда бой (бу ерда гулли ўсимликларнинг 15000 дан ортиқ турлари учрайди).

4.2. Неотропик области фаунасига умумий тавсиф.

Неотропик областининг бошқа областлар билан анча узоқ муддатда алоқада бўлмаганлиги (алоҳидалашганлиги) бу обласстда жуда ўзига хос ва бой фаунанинг шаклланишига олиб келган. Бу ердаги фауна таркибидаги бетакорр хусусиятларга ва юқори таксонлардаги эндемикларга эга ҳайвонот дунёси шаклланган. Шуни таъкидлаш лозимки, бу обласстда бошқа областларда кенг тарқалган кўпгина ҳайвон гурӯхлари учрамайди.

Жумладан, бу обласстда ҳашаротхўрлардан кротлар, типратиканлар учрамайди. Кам сонда учрольчи ерқазарлар эса обласстга жуда яқинда Неоарктикандан кириб келишган. Виверралар, сиртлонлар ва қундузлар ҳам обласст учун хос эмас. Бошқа областларда кенг тарқалган туёқлилар фаунасининг мазкур обласстда камбағаллиги ва айниқса ковакшохлилар (ковушшохлилар) нинг мутлақо учрамаслиги қайд этилади.

Сут эмизувчилардан халталиларнинг битта кенжак туркуми-кўп кесгичлилар (*Polyprotodontia*) учради (бу кенжак туркум Австралия учун ҳам хос). Обласстда халтали каламушлар ёки опоссумларнинг 70 дан ортиқ турлари тарқалган. Уларнинг айримлари жумладан, оддий шимол опуссуми Неоарктикандан ҳам учрайди. Сув опуссуми ёки плаун жанубий америка халталиларнинг иириги саналади. У сувлик шароитидаги ҳаётга яхши адаптациялашган ягона халтали саналади. Кўпгина халтали каламушларнинг яширин ва доими тунги ҳаёт кечириши сабабли улар тўғрисида маълумотлар кам.

Жумладан, бу обласстда ҳашаротхўрлардан кротлар, типратиканлар учрамайди. Кам сонда учрольчи ерқазарлар эса обласстга жуда яқинда Неоарктикандан кириб келишган. Виверралар, сиртлонлар ва қундузлар ҳам обласст учун хос эмас. Бошқа областларда кенг тарқалган туёқлилар фаунасининг мазкур обласстда камбағаллиги ва айниқса ковакшохлилар (ковушшохлилар) нинг мутлақо учрамаслиги қайд этилади.

Сут эмизувчилардан халталиларнинг битта кенжак туркуми-кўп кесгичлилар (*Polyprotodontia*) учради (бу кенжак туркум Австралия учун ҳам хос). Обласстда халтали

каламушлар ёки опоссумларнинг 70 дан ортиқ турлари тарқалган. Уларнинг айримлари жумладан, оддий шимол опоссуми Неоарктиканың ҳам учрайди. Сув опоссуми ёки плаун жанубий америка халталиларининг йириги саналади. У сувлик шароитдаги ҳаётга яхши адаптациялашган ягона халтали саналади. Кўпгина халтали каламушларнинг яширин ва доими тунги ҳаёт кечириши сабабли улар тўғрисида маълумотлар кам.

Ҳашаротхўрлардан қайд этилган “келгинди” ерқазарлардан ташқари анча илгари тарқалган, битта эндемик оила-ковактишлилар учрайди. Улардан бир тур эҳтимол ҳозиргача Кубанинг жануби-шарқий қисмида сақланиб қолган. Бошқа жуда камайиб кетган бир тури эса Гаитида учрайди. Бу тунги ҳайвонларнинг бўйи думи билан бирга 60 см бўлиб майда ҳайвонлар, илонлар ва бошқа турли чиқитлар билан озиқланишади. Тахмин қилинишича мазкур турлар мадагаскар тенъреклари билан қон-қариндошлил алоқаларида бўлишган.

Қўлқанотлилар 9-оилага мансуб бўлиб, уларнинг турлари жуда кўпчиликни ташкил этади. Улар асосан тропик районларда учрайди ва ҳашаротлар, мевалар, нектар ва чангчилар билан озиқланишади. Қон сўрувчи-вампирлар эса қўлқанотлиларнинг ўзига хос қизиқарли гурухи бўлиб, улар Аргентинадан ва Чилининг марказий қисмидан тортиб Мексикагача тарқалган.

Нотўлиқ тишшлилар (Edentata) Неотропик областнинг энг характерли сут эмизувчилар туркуми саналиб, ўз таркибига учта оилани (зихрлилар, чумолихўрлар, ялқовлар) бириктиради. Ҳозирги нотўлиқ тишшлилар қачонлардир бой ва жуда хилма-хил бўлган фаунанинг қолдиқлари ҳисобланишади.

Ялқовлар ўзининг бутун ҳаётини дараҳтларининг пояларида ўтказади ва барглар ҳамда мевалар билан озиқланишади. Ерда эса улар ўзларини мутлақо ночор сезади ва шу боис бир дараҳтдан иккинчисига ўтиш вақтидагина ерга тушишади. Уларнинг 5-тури маълум бўлиб, ареалининг шимолий чегараси Никарагуанинг ҳудудидан ўтади, жанубий чегараси эса Аргентинанинг шимолий чеккасига тўғри келади.

Чумолихўрлар оиласининг 3-тури учрайди. Уларнинг ичидаги нисбатан йириги катта ёки гигант чумолихўрdir (бўйи-2 метргача, оғирлиги-20-36 кг). Бу тур нуқул ер устида ҳаёт кечиришга мослашган. Тамандуа ёки ўртача чумолихўр карлик чумолихўрлар ҳаётининг асосий қисмини дараҳтларда ўтказишади. Чяумолихўрлар ҳашаротлар (термитлар, чумолилар) кўплаб йифиладиган жойларда яшашади. Улар Жанубий Мексика ўрмонларидан тортиб Аргентинанинг шимолигача тарқалган Карлик чумолихўр Тринидадда ҳам учрайди.

Зихрлиларнинг 20-тури обласди учун хос бўлиб, уларнинг ареали чумолихўрлар ва ялқовларга қараганда анча кенг. Тўққиз ўйлакли зихрли Шимолий Американинг канзас ва Алабама штатларига ҳам тарқалган. Айни вақтда бу тур Американинг жанубига тарқалишда давом этмоқда. Зоомагазинларда сотиш учун уларнинг кўплаб келтирилиши бунга сабаб бўлмоқда.

Примагтларнинг барчаси кенг бурунли маймунларнинг эндемик уст оилаига мансуб. Уларнинг икки оиласи фарқ қилинади. Булардан бири ўйноқи маймунлар. Улар унча катта бўлмаган, чипор маймунлар бўлиб, ташқи тузилиши ва хулқи билан ажралиб турилади. Ўйноқи маймунларнинг 33 тури бор (мармозетлар, тамаринлар, ўйноқилар). Ареали эса Жанубий Бразилиядан Панама ва Коста-Рика гача давом этади. Иккинчи оила-капусинларнинг 37 тури учрайди (мерикинлар, саклар, ревунлар, саймирлар, коаталар ва бошқ). Улар орасида ривунлар (оғирлиги 7,4 кг) қизиқарли хулқи билан ажралиб туради. Мазкур маймунлар оиласи , хор “концерт” лари билан бошқа сут эмизувчилардан ажралиб туради. Уларнинг овозлар 2-5 км дан эшитилиб туради. Бундай кучли овознинг хосил бўлишида товуш бойламлари билан бир қаторда тамоқ халталари шаклидаги резонаторлар ҳам иштирок этади.

Кемиравчилар фаунаси турли-туман. Уларнинг асосини жайрасимонлар кенжа туркумининг 10-эндемик оиласи ташкил этади. Улар орасида дунёдаги энг йирик кемиравчи-капибара ҳамда сифатли мўйнаси билан дунёга машҳур шишилалар алоҳида

ажралиб туради. Шиншиллалар Марказий Анднинг баланд, совук ясси тоғлайларида учрайди.

Йиртқич сут эмизувчилар Неотропик областда кўплаб учрайди. Аммо улар орасида сиртлонлар, вивералар йўқ. Йирик мушуксимонлардан пума, ягуар ва нисбатан майда оселот типик турлардан саналади. Патагон пампас мушуги ва ягуарунди эндемик саналади. Областнинг энг чекка худудида учровчи барibalа айифини ҳисобга олмаганда, унинг Шимолий-Ғарбий Анд қисмида яшовчи кўзойнакли айик ягона айик ҳисобланади. Саванналарида майда тулкилар ва узунёкли бўри учрайди.

Денгиз сут эмизувчиларидан денгиз сигирини (сирен) ва чучук сув дельфинларини эслатиб ўтиш лозим.

Туёқлилар фаунаси жуда камбағал. Тоқ туёқлилардан 3-турдаги тапирлар Марказий Мексикадан Парагвай ва Аргентинагача бўлган худуддаги тропик ботқоқ ўрмонларда яшашади. Жуфт туёқлилардан пекарлар ҳамда америка буғулари (ботқоқ, анд ва мазами буғулари)ни кўрсатиб ўтиш мумкин.

Америка түяларидан хонакилаштирилган лама ва альпака ёввойи гуанако ва викунья каби турлар учрайди.

Неотропик област күшлари 2500-турдан ташкил топган. Жанубий Америка күшларининг 90% эндемиклардан иборат. Бу жойда нандунинг 2-тури учрайди. Улардан бири шимол нандуси бўлиб, у областнинг шимоли-шарқида учрайди. Иккинчи тур –Дарвин нандуси эса жанубда яшайди. Товуқсимонлардан гокко (дараҳт товуқлари) ва гоацин оиласири учун характерли.

Америка тасқараларининг 6-тури областга хос бўлиб, улар орасида қирол тасқараси, кондор ва бошқалар учрайди. Уларнинг айримлари айни вақтда камайиб кетган. Тентаккүшлардан эндемик тур саналган ягона гуахаро учрайди. Мазкур тур колония ҳолида яшайди ва уяларини ғорларга кўяди. Мевалар билан озиқланувчи бу турда ғордаги қоронғи шароитда ҳаракатланиш имконини берувчи эхолокация ҳусусияти шаклланган. Қизиги шундаки унинг жўжалари кучли озиқланиши оқибатида кўп ёғ захирасига эга бўлади, натижада вояга етган қушларга нисбатан массаси ошиб кетади. Маҳаллий аҳоли жўжаларнинг ёғини озиқ-овқат сифатида ишлатишади.

Жанубий Америкада колибраларнинг 320-тури учрайди. Бу худуд уларнинг ватани ҳисобланади. Колибралар энг майда қушлар бўлиб (оғирлиги 1,6-20 г), чиройли пат ва пар қопламларига эга бўлганликлари учун уларни учувчи бриллиантлар дейишади. Шу сабабли кўпчилик турлари топаз, сапфир, рубин каби номлар билан аталади.

Неотропик областнинг тўтилари ўзининг жуда хилма-хиллиги билан ажралиб туради. Фақат шу областдагина тўтилардан йирик ара ва амазонийлар учрайди. Қушларнинг туканлар оиласига мансуб турлари 37 тани ташкил этади. Улар қизиштонлар уруғлари бўлиб, Бразилиядан Мексикагача учрайди. Эндемиклардан момотлар ҳам учрайди. Бу қушлар кўк қарғасимонларга тегишли бўлиб, кирғокларда қазиб уя қуришади.

Галапагос оролларида яшовчи фил тошбақаларининг 13 та кенжа турлари (оғирлиги 200 кг гача) мавжуд. Улар хозирда бутунлай қирилиб кетиши арафасида туришибда.

Тимсоҳлар (кайманлар) обласи дарёларида жуда хилма-хилликка эга.

Калтакесак орасида игуанлар сонининг кўплиги ва жуда хилма-хилликка эгалиги билан ажралиб туради. Улар орасида дараҳтларда, даштларда, қояларда, тоғларда ва ярим сувда яшовчи формалари бор. Айримларининг эркакларини боши ва танасининг орқа томонида теридан шаклланган тароқсимон ўсимталари бўлиб, бу уларга фантастик кўриниш бағишлийди. Денгиз игуанлари Галапагос оролларида яшашади.

Илонлардан цирик буғма илонлар жумладан, боа ва анаконда бу худуд учун хос. Энг йирик илон анаконда (узунлиги 11 метргача) Амазонка ва Ориноко дарёлари яқинида яшайди.

Захарли аспидлар ҳам кўпчиликни ташкил этади. Биргина қирол аспидлари авлодига мансуб бўлган 65 тур ва кенжа тур илонлар учрайди. Бу областда узунлиги 4 метргача,

захарли тишлари 2,5 см га етүвчи бушмейстер илонлари ҳам учрайди. Худди шундай бошқа захарли илонлар ҳам кенг тарқалишга эга.

Амфибиялар фаунаси таркибида асосан думсизлар ва оёқсизлар туркуми вакиллари учрайди. Оёқсиз амфибияларнинг 16 тури тупроқда, чумоли ва термитларнинг уяларида ҳамда сувда яшашга мослашган.

Балиқларнинг тур таркиби бўйича мазкур обласат дунёда биринчи ўринни эгаллади. (2700 тур). Фақат Амазонкада уларнинг 1000 дан ортиқ турлари яшашади. Бу жойда кўпчилик турлар яхши ўрганилмаган.

Икки хил нафас олувчилардан лепидосиренсимонлар оиласи учрайди. Ўзининг қонхўрлиги билан ажралиб турувчи пиранья балиқлари ҳамда аквариумларда сақланувчи тетра, неон ва бошқалар ҳам областга тегишли турлардан саналади.

Электр угрлари эндемик оилани ташкил этади. Уларнинг ягона тури учрайди. Суяк тилли балиқлардан арапайма энг йирик чучук сув балиғи бўлиб, узунлиги 4 метр, оғирлиги эса 200 кг гача. У амазонканинг асосий ов балиқларидан саналади.

Неотропик областнинг умуртқасизлари хилма-хиллиги ва кўплиги билан ажралиб туради. Айниқса бўғимоёқлилар (кўп оёқлилар, ҳашаротлар, ўргимчаксимонлар) кўпчиликни ташкил этади. Маҳаллий сколопендралар жуда узун (25 см гача) ва захарлилиги балан ўзига хос. Энг йирик ўргимчаклардан қушхўр ўргимчаклар ҳашаротлар, калтакесаклар, бақалар ва ҳатто жўжалар ҳам озиқланишади.

Неотропик обласат фаунаси нисбатан узоқ муддат алоҳидалашганлигига қарамай у бошқа областлардан фаунаси таъсирида шаклланди. Нисбатан узоқ ўтмишда мазкур обласат фаунаси Австралия ва Эфиопия билан алоқада бўлган. Айрим олимларнинг тахминича, бўр даврида халталилар Жанубий Америкадан Австралияга Антарктида орқали ўтишган.

Неотропик областида маҳаллий уй ҳайвонларининг турлари жуда кам. Уларга лама, алпака, денгиз чўчқаси, мускус ўрдаги ва ҳашаротлардан кошинель (унинг эркакларидан кармина номли бўёқ тайёрлашда фойдаланилади) ни мисол қилиш мумкин. Аммо ҳозирда бу обласат ҳудудида қачонлардир Европада хонакилаштирилган кўпгина ҳайвон турлари кўпайтирилмоқда.

Неотропик зоогеографик областида 4 та кенжа обласат фарқ қилинади.

4.3. Кариб кенжа области.

Мазкур кенжа обласат Катта Антиль (Куба, Ямайка, Гаити ва Пуэрто-Рико), Багам, Кичик Антиль оролларини ва Тринидадни ўз таркибига кирилади.

Кенжа обласатнинг фаунаси орол характерига эга бўлиб, бой эмас. Бу ерда маҳаллий ер усти сут эмизувчилари жуда кам. Маймунлар, туёқлилар ва нотўлиқ тишлилар учрамайди.

Ҳашаротхўрлардан ковактишларнинг икки тури учрайди. Халталилардан 1 тур орол опоссуми, кемиравчилардан эса кутия ва загути каби турлар тарқалган.

Багам оролларида яшовчи енотларнинг бир тури ер усти сут эмизувчиларнинг охиргиси ҳисобланади. Қўлқанотлилар эса анча кўп. Орнитофаунаси таркибида эндемик авлодлари ва турларининг кўплиги билан сут эмизувчилардан ажралиб туради. Жами бу ерда 140 турдаги қушлар учрайди. Уларнинг 25 % эндимиклардир. Катта Антиль оролларидатоди (ясси тумшуқлилар) номли эндемик оиласа мансуб қуш турлари (5 тур яшашади). Худди шундай колибрилар, каккулар, тиранлар, прогонлар ва бошқа қушлар таркибида эндемиклари анча кўп.

Судралиб юрувчилар фаунаси бир неча турдаги тошбақалар, 2 турдаги тимсоҳлар ва калтакесаклардан ташкил топган. Илонлардан бўғма илонлар характерлидар.

Амфибиялардан бақаларнинг 5 авлоди тарқалган.

Балиқлардан чучук сув балиқларининг аквариумларда сақлашда фойдаланувчи кичик вакиллари учрайди. Кубада эса қалқонли чўртсан, промислар, тирик туғувчи ва тухум кўювчи карп тишлилар учрайди.

Маллюскалар жуда хилма-хил бўлиб, уларнинг Африка ва Осий моллюскалари билан алоқадорлиги яққол сезилади.

Кариб кенжা области фаунасига европа колонизацияси кучли таъсир кўрсатган. Келтирилган каламушлар дастлаб шакар қамишлари плантацияларига жиддий зиён кўрсатган. Каламушларни қириш мақсадида иқлимлаштирилган ҳинд мангусти эса бошқа тур-йирик ковактишиларни ҳам деярли тўлиқ қириб юборган.

Кейинги йилларда табиий ландшафти асосан дехқончилик билан боғлиқ ҳолда кучли ўзгарган. Оқибатда кўпчилик ҳайвон турлари йўқолган ёки йўқолиш арафасида турибди.

4.4. Марказий Америка кенжা области.

Мазкур кенжা област неотропик областининг шимолий чегараси ҳисобланган Панама бўйнидан тортиб Колумбиягача бўлганҳудудни ўз таркибига киритади. Ҳудуди тоғлик, ландшафтлари хилма-хил, аммо ўрмонлар уларнинг асосини ташкил этади.

Кенжা областнинг фаунаси маълум даражада ўткинчи характерган эга. Бу ерда неотропика ва неоарктикамага хос ҳайвонларнинг аралаш гурухлари учрайди. Шимолдан бу ерга ер қазарлар, дала сичқонлари, олмахонлар, товушқонлар, тулкилар, читтаклар, каймансимонлар тошбақалар ва бошқалар кириб келишган. Аммо, бу ерда ҳайвонларнинг барча синфларига хос эндемик авлодлар ҳам анчагина.

Айиклардан кинкажу, марказий америка тапири тўққиз йўлакли зихирли каби сут эмизувчиларнинг турларини алоҳида таъсидлаш лозим.

Орнитофауна таркибида эса қирол тасқараси, эндемиклардан тинамо авлоди ва колибриларнинг кўпгина турларини қайд этиш мумкин.

4.5. Амазония кенжা области.

Неотропик областнинг энг катта ҳудудларидан бирини эгаллаган. Бу кенжা област Жанубий Американинг катта қисмини (тўлиқ шимолий қисми, маркази ва деярли тўлиқ шарқий чеккасини) ўз ичига олади.

Мазкур кенжা областнинг асосий ландшафти нам тропик ўрмонлар бўлиб, (гелея, ёки сель), улар Амазонка басейнида нисбатан яхши шаклланган. Савана типидаги ўрмонлар, Бразилия пампаслари ва Венесуэлянинг ўтчил даштлари ва ландшафт типларидан саналади.

Неотропик областларга хос бўлган типик хусусиятлар бу кенжা областда нисбатан яққол намоён бўлади.

Кенжা област кенг бурунли маймунлар (ревунлар, нирикинлар, сапажу) ва нотўлик тишлилар (ялқовлар, чумолихўрлар, улкан зихрли ва бошқалар) нинг тарқалиш маркази саналади. Америка тапирлари, кўпгина опоссумлар ҳам тарқалган.

Орнитофауна таркибида гоацинлар, туканлар, қарқаралар, ара ва амазона тўтилари, колибралар, гарпия ва краксилар учрайди.

Рептилиялардан игуанларнинг дараҳтда яшовчи вакиллари, сув бўғма илони-анаконда, бушмейстер характерлидир.

Амфибиялардан квакша ва пип типик турлардан саналади. Икки хил нафас оловчилардан-лепидосирен, электр угр ва пиранья каби балиқларни қайд қилиш мумкин.

Барча экваториал нам ўрмонлар учун хос бўлган энг характерли хусусият ҳатто унча катта бўлмаган ҳудудларда ҳам турлар сонининг ва зичлигининг жуда юқори бўлишидир.

4.6. Птагон-Чили кенжা области

Бу кенжা област материкнинг мўътадил зонадаги жанубий қисмини эгаллаган. Кенжা областда очиқ ландшафтлар асосий ўринни эгаллади. Жумладан, кенг дашт худуди-пампаслар, чала чўллар, ўрмонсиз яssi тоғликлар, чўллар, тоғ тизмалари.

Кенжা област учун характерли турларга ламалар, тоғ ва пампас буғулари, кўзойнакли айик ҳамда кемирувчилардан шиншилла, вискаша, нутрия, тукотуко, денгиз чўчқаси ва мара каби сут эмизувчиларни киритиш мумкин. Зихрлилар ва халталиларнинг ҳам худуд учун хос турларининг учраши қайд этилади.

Қушлардан нанду, тинами, паламедей, колибрилар ва кондорларни қайд қилиш лозим.

Думсиз амфибиялардан Дарвин ринодермаси учрайди. Бу турнинг эркаклари ривожланаётган тухумларни томоғидаги халтасида олиб юради.

Хозирги пайтда одамларинг турли хўжалик фаолиятлари туфайли маҳаллий фауна нисбатан чекка, хилват жойларга сиқиб чиқарилган. Кўпчилик турларнинг сони тубдан камайган ва улар эндиликда ҳимояга муҳтож.

V-БОБ. ЭФИОПИЯ ЗООГЕОГРАФИК ОБЛАСТИ

5.1. Эфиопия обlastinинг географик ўрни ва табиий шароити.

Эфиопия области Африка материгининг катта қисмини эгаллади. Бу обласст Сахаранинг жанубини, Арабиятон ярим оролнинг жанубий-шарқини эгаллади. Област таркиби Скотра, Вознессения, Шимолий Елена ороллари ҳам киради. Шимолда обласст чегаралари тропик минтақадан ташқарига чиқмайди. Жанубда эса бу чегаралар субтропик минтақага анча кириб боради. Африка материги маълум даражада улкан шимолий материк таркиби яқин жойлашган бўлиб, айrim вақтларда унинг ҳаётий компонентлари мазхкур материик билан яқин алоқада бўлган.

Айrim карашларга кўра, Африка, Европа Ўрта Ер денгизига томон силжиган ва шу ҳолда келиб силжишдан тўхтаб қолган. Бундай қарашлар африка ва Евро-Осиё фаунасининг маълум даражажа ўхшашлиги, ўзига хос хусусиятларининг ҳозирда ҳам мавжудлиги билан ўз исботини топади. Учламчи даврда эса бундай ўхшашликлар бу иккала материик орасида яна ҳам қўпроқ бўлган. Полеонтологлар учламчи даврда африка фаунасининг Европага бир неча бор миграция қилганлигини аниқлаганлар. Худди шундай тескари миграция ҳам содир бўлиб турган. Ҳозирда Африкада учрайдиган қатор туёклилар учламчи даврда Европада ва Ҳиндистонда яшаган. Юқорида келтирилган маълумотлар Африка, евроосиё ва ҳатто Шимолий Америка фауналарининг тақдирни оз мунча бўлсада, ўзаро боғлиқлиг идан далолат беради. Эфиопия фаунаси қатор белгилари билан Индомалай области фаунасига ҳам ўхшаб кетади.

Юқорида қайд этилган материаллар фауналар қадимда умумий хусусиятларига эга бўлган, ўзаро ўхшаш ва улар тарихининг айrim жабҳаларидаги ўхшашликлар мазкур материиклар фауналари бир хилдаги шаклланишига эга деган хulosани келтириб чиқармайди. Чунки бу материиклардаги фауналарининг ҳозирги ҳолати ва йиғилган барча маълумотлар уларнинг алоҳида фаунистик обласлар эканлигини исботлайди.

Африка материги ўзининг географик ихчамлиги билан характерланади. Унинг рельефида улкан яssi тоғликлар жойлашган бўлиб, улар денгиз сатҳидан анча баланд. Африканинг табиий шароити унинг рельефи ва географик жойлашуви билан белгиланади. Шарқда эфиопия тоғлари ва Марказий Африканинг занжирдай тизилган вулканик тоғлари, жанубий чеккасида Дракон тоғлари, гарбида, Камерун ва Гвинея тепаликлари Эфиопиянинг табитий шароитини белгилашда муҳим ўрин тутади.

Материк чегараларида жойлашган мазкур тоғлар нам денгиз шамоллари учун тўсиқ бўлиб ҳисобланади. Натижада материк марказида қуруқ тропик иқлим ҳумкронлик қиласи. Материкнинг чекка жанубий қисми мўътадил илиқ иқлими (Ўрта Ер денгизига хос иқлим типи) билан ажралиб туради.

Эфиопиянинг катта қисмини турли типдаги саваналар (кам ўрмонли, баланд ўтчили, куруқ) эгаллаган. Куруқ мавсумда ёғин миқдорига нисбатан боғланадиган намлик миқдори анча юқори бўлиб, ёғингарчилик кўп бўлган йиллари эса аксинча ҳолат кузатилади. Дараҳтлар иссиққа жуда чидамли бўлишига қарамасдан қуруқ мавсумларда баргини тўқади. Ўрмонсиз саванналар асосан бошоқли ўсимликлар билан қопланган (фил ўтлари). Дараҳтлардан баобаб, соябонсимон шох-шабали акация, мой пальмаси ва сутли дараҳтсимонлар кенг тарқалган.

Нам экваториаль ёки ёмғирли ҳудудларда тарқалган ўрмонлар массиви африканинг гарби ва марказий қисмини эгаллади. Улар асосан Конго дарёси бўйлаб ва Гвинея кўрфазининг жанубида жойлашган. Тоғлик ҳудудларда асосан намгарчиликни ёқтирадиган (камида 2000 мм) иссиқ иқлимда ўсадиган нам ўрмонлар, дарё, водийларда эса галерей ўрмонлари шаклланган.

Экваториаль ўрмонларнинг ўсимликлар дунёси турли-туман ва жуда бой. 1 га майдонада ўртacha 50-турдаги дараҳтларни учратиш мумкин. Бу жойда тахминан 600-турдаги дараҳтлар учрайди. Африканинг нам ўрмонларида гулли ўсимликларнинг умумий тур сони 11-мингни ташкил этади.

Эфиопия фаунаси шимолдан ажратиб турувчи кенг чўл зонаси мазкур ҳудуд фаунасининг шаклланишида муҳим аҳамият касб этади.

Эфиопиянинг экологик шароитида типик нам тропик ўрмонлар, ўрмон дашт, дашт (буга ва дараҳт ўсимликлари билан), жанубий-ғарбда эса (Калахара) чўллар шаклланган.

Областда ички сув ҳавзалари ҳам анча сероб.

Эфиопия области ўзига хос экологик хусусиятлари катта майдонни эгаллаган чўлларнинг мавжудлиги ҳайвонот оламида тубдан фарқ қилувчи мосланишларнинг шаклланишига олиб келган. Айрим ҳайвон турларининг областдаги экстремал шароитларда яшай олиш хусусиятларини ўрганиш (жазира маҳаллалари, намликтарни етишмаслиги) уларнинг муҳит шароитларига мослашиш қонуниятларини очища мухим аҳамиятга эга.

Эфиопия обlastininинг ҳайвонит дунёси гарчи тур таркиби жиҳатидан Ўзбекистон ҳудудида яшайдиган турлардан фарқ қилсада, уларнинг морфологик, физиологик, этологик белгиларида бир қатор ўҳашашликлар мавжуд.

Геологик тарихи нуқтаи-назаридан кўпчилик фауналар у ёки бу даражада орол характеристига эга бўлсалар, Эфиопия фаунаси эса ҳақиқий қадимги материк фаунадир.

5.2. Эфиопия фаунасига умумий тавсиф.

Эфиопия фаунаси ўзига хос, жуда хилма-хилликка эга, бой фауна бўлиб, ўзининг “қиймати” билан бошқа фауналардан ажралиб туради. Айниқса унинг тропик, ўрмонли ҳудудлари фаунаси жуда бой.

Фауна таркибида сут эмизувчилар синфида мансуб вакиллари учрайди. Шундан 9 таси жумладан, куницилар, ер қазарлар, мушуксимонлар, олмахонлар, чўчқалар, ковак шохлилар ва бошқалар жуда кенг тарқалишга эга. Типратиканлар, отлар, маймунлар, виверралар ва бошқалар обласи чегарасидан анча ташқарида ҳам ўз тарқалиш ареалларига эга.

Эндемиклардан сут эмизувчиларнинг даманлар (Нугасоидеа) туркуми вакиллари, ягона туркум ва оиласа мансуб термит ва чумолилар билан озиқланувчи Oryctoperus afer-африка найтиши учрайди. Даманлар товушқон катталигидаги ҳайвонлар бўлиб, ўрмонларда ва тоғларда яшайди. Бу ўсимлихўр ҳайвоннинг товонида сўрғичисимон ўсимталар бўлиб, дараҳт ва қояларга чиқишига имкон беради.

Эндемик оиласардан қундузсимон ер қазарлар, олтинранг крот, сув айғирлари, жирафалар, нина думли олмахонлар, узун оёқлар ва бошқалар учрайди. Жами эндемик оиласар сони 14 тани ташкил этади. Авлодлар даражасида олганда, 151-авлоддан 118 таси эндемиклардир.

Түёқлилар фаунаси бошқа областларга қараганда анча бойлиги билан харakterланади. Турли антилопалар, зебралар, жирафалар, каркидонлар, сув айғирлари, филлар, Африканинг “ландшафт ҳайвонлари” саналади. Мазкур турларнинг айримлари жуда катта миқдорда учрайди.

Областда кротлар, айқулар, қундузлар, қўшоёқлар, тапирлар, туялар ва буғулар оиласи оиласи учрамайди.

Кўл қанотлилардан 9-эндемик авлод вакиллари учрайди.

Кавш қайтарувчилардан тахминан 40 авлод вакиллари антилопаларга тегишли бўлиб, улардан йирик турларга каналар, қудулар, гнулар киради.

Жирафаларнинг иккитатури учрайди: окапа-Okapia johnstoni (баландлиги 2 м, Конгодаги зич ўрмонларда яшайди); жирафа -Giraffa camelopardalis (баландлиги 6 м, саванна ва кам ўрмонли худудларда яшайди).

Сув айғирларининг ҳам иккита тури облас учун хос: йирик сув айғири-Hippopotamus amphibius (эркаклари 3 тоннагача, тана узунлиги 400-420 см); пакана сув айғири-Choyeoprosis liberensis (массаси 250-260 кг, тана узунлиги 150 см атрофида).

Сўгалли чўчқа -Potamochoerus каби авлодлари ҳам обласга тарқалган. Ҳақиқий чўчқалар (Sus авлоди) учрамайди.

Тоқ туёқлилардан каркидонларнинг 2-тури обласдан тарқалган (оқ ва қора каркидон). Улар олдинги тишларининг йўқлиги ва иккита шохларининг мавжудлиги билан ажралиб туради. Зебраларнинг 3-тури тарқалган(саванна зебраси, тоғ зебраси, грэви зебраси). Тоғ зебраси кириб ташлаш оқибатида деярли йўқолиш арафасида турибди.

Африка филлари Ҳинд филларидан фарқ қилиб уларнинг эркак ва урғочиларидан ҳам узун курак тишлар бор (Ҳинд филларининг фақат эркакларида курак тишлари бор).

Областда йиртқичлардан виверраларнинг 10 та авлоди учрайди.сиртлонлар кенг тарқалган бўлиб, санитарлар ролини бажаради.Бўрилар Африкада учрамайди, уларнинг ўрнини облас учун эндемик бўлган сиртлонсимон итлар-Lycaon pictus эгаллади.Тулкилар кенг тарқалган. Мушуклар кам, аммо уларнинг таркалиш ареаллари Африкадан ташқарига ҳам чиқади. Буларга шер, гепард, қоплон ва бошқа майда мушуксимонларни киритиш мумкин. Африка ёввойи мушуги хонаки мушуклар зотининг аждодларидан бири бўлган.

Кемирувчилардан жайралар, олмахонлар, узунёқлар, каламушлар, толғ сичконлари ва бошқалар тарқалган.

Ҳашаротхўрларнинг 3-эндемик оиласи учрайди. Улардан тилла ранг кротлар оиласи-ҳашаротхўрлар туркумига мансуб эндемиклар бўлиб, жунининг тилла рангда товланиши сабабли шундай ном олган. Уларнинг 30-тури бўлиб, улар қумли чўлларда, Жанубий Африканинг қуруқ даштларида яшайди.

Эфиопия фаунаси таркибида приматлар ҳам кенг тарқалган ва жуда турли-туман. Кўпчилик чала маймунлар лори оиласига мансуб (глаго ва потто авлодлари) бўлиб эндемиклардир. Мартишасимон маймунлардан мартишка фақат Африкада учрайди холос. Павиан ва мандриллар пода ҳолида, саванна, тоғ, ўрмонларида яшашади. Одамсимон маймунлардан горилла ва шимпанзелар деярли бир хил ареалда тарқалган.

Яшчерларнинг 4-тури учрайди. Улкан ва дашт яшчерлари обласнинг барча очиқ ландшафтларида тарқалган. Эфиопия обласида қушларнинг 89-оиласидан 15 таси эндемик ҳисобланади. Буларга Африка страуслари, цесеркалар, котиба қуш, дараҳт сассиқ попӯшаклари, бананхўрлар, чумчуқнамоларнинг 5-оиласи ва бошқалар киради. Эфиопияда курлар, бигиз тумшуқлар, сув чумчуқлари, королёклар учрамайди. Облас учун кўп сондаги булдуруқлар, тувалоқлар, тасқаралар ва бошқаларнинг учраши харakterлидир.

Эфиопия орнитофаунаси жуда турли-туманлигига қарамай, асосан кенг тарқалган оиласи оиласи тегишлилиги билан сут эмизувлардан фарқ қилади. Эндемик авлодлар ва турлар кўп, аммо уларнинг ареаллари чекланганлиги учун обласни харakterлашда катта аҳамиятга эаг эмас.

Нисбатан кенг тарқалган қушларга цесеркалар (20-дан ошик тур), түкимачилар, нектарчилар, асал даракчилари ва каркидон қушларни киритиш мумкин. Күпинча мазкур турларнинг ареаллари Африка ва Ҳиндистонда тарқалган. Космополит турлар ҳам анчагина (каккулар, қизилиштонлар, кўк қарғалар, кўк тарғоқлар ва бошқ.).

Қишида Африка орнитофаунаси қишилаш учун учиб келувчи турлар ҳисобига анча бойийди. Уларга Европадан учиб келувчи лайлаклар, турналар, қалдирғичлар ва бошқаларни мисол қилиш мумкин.

Эфиопия областида судралиб юрувчилар жуда кўпчиликни ташкил этади. Умуман судралиб юрувчилар барча тропик ҳудудларда кўп тарқалган. Областда юқори рангдаги эндемиклар озчиликни ташкил этади.

Тангачалилар туркумидан хамелионлар (80-тур) айниқса характерлидир. Улар Мадагаскарда, Жанубий Испанияда, Арабистонда, Ҳиндистонда ва Цейлонда ҳам учрайди. Областда калтакесаклар ва гекконлар ҳам кенг тарқалган. Бундан ташқари оёқсиз чувалчангсимон калтакесаклар (кўр сцинк-Feylinidae), агамалар, йирик эчкемарлар (нил эчкемари 2-метрга етади) ва илонлар учрайди.

Эфиопияда кўр илон-Typhlops humbo яшайди. Унинг узунлиги 80 см. Гача бўлиб, йирик тур саналади.

Питонларнинг бир неча турлари учрайди. Уларнинг майдалари 1-1,65 метр (қирол ва митти питонлар), йириклари эса 7-9 метр (иероглиф питони) келади.

Сув илонлари ҳам кенг тарқалган бўлиб, уларга тухумхўр илонларни (2 та авлоди учрайди) киритиш мумкин. Бу илонлар қушларнинг тухумлари билан озиқланади. Африкада заҳарли аспид илонлар ҳам учрайди (10-авлодга мансуб 20-тур). Уларга ҳақиқий кобра илонлари (кора бўйинли ва туптурувчи кобралар), йирик мамбалар (2-4 метр узунликдаги заҳарли илонлар) киради. Тарқалиш маркази Африка ҳисобланган, кўп сонда учровчи кора илонлар ҳам анчагина.

Африкада ҳам қуруқлик тошбақаларининг 4-авлоди ва бир нечта турлари ва юмшоқ терили тошбақаларнинг 2-эндемик авлоди учрайди.

Тимсоҳлардан энг йирик тур-нил тимсоҳи яқингача Африканинг барча ҳудудларида кенг тарқалишга эга бўлган, ҳозирда эса кўпчилик жойларда қирилиб кетган. Ғарбий Африкада тўмтоқтумшуқли тимсоҳ ва Африка ингичка тумшуқли тимсоҳи яшайди. Мазкур турлар Марказий Африкада ҳам учрайди. Област учун эфалар ҳам типик турлар саналади.

Эфиопия области учун амфибиялар ҳам характерлидир. Шарқий ва Ғарбий Африкада червягалар яшайди. Аммо думли амфибиялар фақат Африканинг шимолида яшайди холос. Областда кенг тарқалишга эга бўлган, лаборатория ҳайвони сифатида фойдаланиладиган, эндемик бақалар авлоди (*Xenopus*) учрайди. Ҳақиқий бақалар ҳам анча кўп.

Курак оёқли, тор оғизли ва тукли бақалар ҳам области учун характерли турлардан саналади. Кўпайиш даврида тукли бақалар эркаклари танасининг ён томонларида ва сонида ўсимталари узун, туксимон ўсимталар ҳосил бўлади. Областда квакшалар деярли учрамайди.

Ҳақиқий қурбақаларнинг 3-авлоди Эфиопия учун хос. Улардан бири-тунги ўрмаловчи қурбақадир. Унинг бармоқларида ёпишқоқ дисклар мавжуд. Тирик туғувчи қурбақа ҳам ўзига хос бўлиб, мазкур области амфибиялари таркибида киради.

Эфиопия зоогеографик областида балиқлар фаунаси анча бой. Улар орасида икки хил нафас олувчилар (3-тур) ўзига хос аҳамиятга эга. Булар Сенегал, Нил, Конго, Замбези ҳавзаларида кенг тарқалишаг эга. Жумладан, протоптер (*Protopterus*) авлоди ёзда сув ҳавзаларининг қуриши туфайли анабиоз ҳолатга ўтади (8-9 ой). Улар лойни ёриб ўзининг танаси атрофида нафас олиш хусусиятига эгалиги билан ажralиб туради.

Қадимги гурухга мансуб балиқлардан-чўтка қанотли чучук сув балиқлари (*Polypteridae*) ҳам области учун характерли.

Областда эндемик оиласлар вакиллари кенг тарқалган. Улар тубан тузилишга эга бўлган *Isospondyl* кенжа туркумига мансубдир.

Суяқ тилли балиқлардан Африкада капалак балиқлар-Pantodontidae, ингичка тумшуқли балиқлар-Mormyridae учун хос бўлиб, улар Нил ва Конго сувликларида яшайди. Лаққалар Африкада кенг тарқалган бўлиб, уларнинг 6-оиласи ва 250-тури бор.

Африкада чучук сув баликлари синфининг кенг тарқалиши, областнинг Жанубий Америка ёки Индо-Малай области билан алоқада бўлганлигини тасдиқлади. Областдаги тропик худудларда лососсимонлар ва чўртланлар учрамайди.

Эфиопия облатининг умуртқасизлар фаунаси жуда бой. Шу сабабли уларнинг умумий хусусиятларинигина тавсифлаш мумкин.

Бу худудда чаёнлар кўпчиликни ташкил этади. Улар қадимги кенда оила *Isometrinae* ва *Scorpionidae* оилаларига мансубдир. Шундай чаёнлардан бири император-пандинуснинг катталиги 16 см га етади. Бутун Африка бўйлаб сольпуглар тарқалган. Ўргимчаклардан йирик заҳарли күшхўрлар (*Theraphosa*) ва бошқалар жуда турли-туман. Йирик кўпоёқлар-кивсяклар маҳаллий аҳоли томонидан овқатга ишлатилади. Сколопендлар-захарли умуртқасизла бўлиб, жуда кўп сонда (катталиги-26 см. гача) учрайди.

Ҳашаротлар орасида термитлар характерли бўлиб, улар Африканинг нам ўрмонларида 500-турдан иборатdir. Уларнинг уялари йирик замбуруғни эслатади. Термитлар асосан ўсимлик қолдиқларини парчаловчилардир. Шуни таъкидлаш лозимки, дараҳтларнинг мазкур худудда мавжудлигини таъминлашда термитлар муҳим фойдалари жониворлар саналади. Чунки, улар тупроқни чириндига бойитади, ўсимлик қолдиқларини парчалаб қулай шароит яратади. Саванналарда ҳам термитлар учрайди, аммо уларнинг уялари бошқача тузилишга эга бўлиб. Баландлиги 2-6 метрли конусни эслатади. Бундай уялардан саваннадаги бошқа ҳайвонлар ҳам бошпана сифатида фойдаланишади ёки термитларни овлашади (найтишлар).

Чигирткалар фаунаси жуда бойлиги билан ажралиб туради. Улар орасида гала ҳолида яшовчилари ҳам учрайди (шистоцерка минглаб км га тарқалувчи ва ўз йўлида учровчи барча ўсимликларни қиравчи турдир).

Қўнғизлардан Африканинг чўл зонасида учровчи қора қўнғизлар (*Tenebrionidae*) устунликка эга. Ўрмонларда эса голиафлар (узунлиги 10-11 см), буғу, қўнғизлар, мўйловдорлар ва бошқалар кенг тарқалган.

Уйқу касаллигини келтириб чиқарувчи це-це пашласи ҳам Эфиопия фаунасига хос турдир. Шарқий ва Марказий Африкада уйқу касаллиги ва ундан қолишмайдиган нагана касаллиги тарқалган. Шу сабабли бу жойларда отларни сақлаш ва чорвачиликни юритиш фойдасиз соҳа саналади.

Кундузги капалаклар облатда нисбатан кам. Бундан ташқари улар учун кўркам ранглар ҳам хос эмас.

Ер юзасида яшовчи моллюскалардан ўзларининг йириклиги билан ажралиб турувчи Ахатина авлодига мансуб турлар кенг тарқалган. *Aillyidae* оиласига мансуб моллюскалар фақат Эфиопия фаунасига хосдир.

Эфиопия облатини ландшафтларнинг хусусиятлаига, ўсимлик қопламларига ўзига хослигига ва фаунасига мувофиқлигига кўра 3 та кенжа облатга бўлиш мумкин: Шарқий-Африка, Фарбий-Африка ва Жанубий-Африка (Кап) кенжа облатлари.

5.3. Шарқий-Африка кенжа облати.

Бу кенжа облат материкининг катта қисмини Сахара чўлининг жанубини ва жанубий тропиккача бўлган худудни эгаллади. Бу кенжа облатда саванналар ва тизма тоғлар ландшафти шаклланган. Африка саванналари ташқи кўриниши билан Евро-Осиёдаги ўрмон даштларига ўхшайди. Ўтчил ўсимликлар турли-туманлигининг нисбатан камлиги ва дараҳт ўсимликларининг эса аксинча хилма-хиллигини юқорилиги билан ажралиб туради. Жуда кенг майдонларда баланд ўсувлари ўтчил қопламлар орасида якка-якка ёки бир жойда гурух ҳолида йирик баобаблар, баланд акациялар, мимозалар ва бошқа дараҳтлар учрайди.

Нисбатан кўпроқ намланувчи жойларда ўрмонлар, қуруқ жойларда эса паст бўйли ўтчил ва чўллашган саванналар ривожланган. Мавжуд барча формацияларнинг ўзига хослиги даврий ёғингарчиликлар билан узвий боғлиқ.

Қуруқ ва нам мавсумларнинг навбатлашиб туриши саваннада яшовчи организмларнинг ҳаётий ритмларини белгилаб беради ва ҳайвонларда аниқ ифодаланувчи адаптацияларнинг шаклланишида муҳим аҳамият касб этади.

Кўпгина ҳашаротларда анабиоз ҳолат анча узок муддатни эгаллади. Шундай хусусият амфибиялар ва баъзи рептилиялар учун ҳам хосдир.

Худди шундай қушлар миграцияси ва йирик ўтхўр ҳайвонларнинг кўчманчи ҳаёт кечириши кенг тарқалган ҳолатдир. Бундай хусусиятни ҳам намлиknинг мавсумий тақсимланиши билан тушунтириш мумкин.

Ҳайвонот дунёсининг таркиби ўрмон жамоаларига қараганда нисбатан содда. Ўтчи ўсимликларнинг кўплigliги сабабли бу жойларда йирик ўтхўр ҳайвонларни кўплаб учратиш мумкин. Айниқса, туёқлилар бу жойларда турли-туман ва бой таркибга эга.

Туёқлиларнинг умумий тур сони саванналарда 70 дан ортиқ бўлиб, уларнинг асосий қисмини антилопалар ташкил этади. Уларнинг энг характерли груухи саваннада кенг тарқалган гну антилопалари (оху) галасидир. Мазкур турлар ҳар йили ўсимликларнинг даврий миграциясига боғлиқ ҳолда узок масофаларга миграция қилишади. Гнулар билан бирга зебралар ҳам миграцияда қатнашишади. Томпсон ва грант антилопаларида ҳам шундай миграциялар ҳам кузатилади. Мазкур турларнинг барчаси типик ўтлоқ ҳайвонлаидир.

Саваннадаги антилопалар орасидаги бута ўсимликлари билан озиқланувчи турлар (канна) ҳам учрайди.

Африканинг дараҳт бутали саванналарида ҳамда қояли ҳудудларида тоғ ва қоя даманлари яшашади.

Ўтхўрлар озиқа бўлувчи ўсимликларнинг турли поғоналари билан озиқланиш жараёнида, ўзига хос мосланишларга эга бўлишган. Жумладан, гну антилопалари ерга якин жойлашган ўтларни, зебра бошоқлиларнинг юқори қисмини, қора каркидон буталарнинг 1 метргача бўлган қисмини, африка филлари 2-4 метргача бўлган ўсимлик қисмларини ва ниҳоят энг юқори поғонадан жирафалар озиқа сифатида ишлатиб уларни соябонсимон шаклга киришига сабаб бўлишади, яъни уларга ўзига хос “шакл” беришади.

Африка саванналари учун хос турларга яна йирик буқалар-Африка буйволлари ва сўгалли чўчқаларни мисол қилиш мумкин.

Типик ўтлоқ ҳайвонларидан бири-оқ каркидондир. У оиласидаги энг йирик тур бўлиб, эркакларининг массаси 5-тоннагача этади. Айни вақтда уларнинг сони камайиб кетган ва Африкадаги бошқа йирик ҳайвонлар катори Халқаро “Қизил китоб” га киритилган.

Йирик йиртқичилар Африка саванналарида кўчиб юрувчи антилопалар ортидан қолишмайди. Бундай таъқиб йиртқич-ўлжа типидаги муносабатларга яққол мисол бўла олади.

Шерлар гурух ҳолида йирик антилопа ва зебралар билан ов қилишади. Гепардлар эса якка ҳолда ов қилишни ўзлаштиришган. Ташкилий ҳолда жуда ғалати ов усули сиртлонсимон итларга хосдир. Худди шунга ўхшаш ов ола сиртлонлар ва чиябўрилар учун ҳам хос. Бу ҳудудда турли павианларни ҳам учратиш мумкин.

Бошоқли ўсимликлар билан қопланган саванналар учун йирик африка страуслари характерли. Қирғовуллар оиласидан саваннада франколинлар, цесеркалар ва тўқимачилар учрайди. Биргина Серенгети саваннасида уларнинг 40-дан ортиқ турлари қайд этилади.

Булдуруқлар, тувалоқлар, кокилли қузғун, марабу (лайлак) каби турлар ҳам мазкур кенжга областда учрайди.

Судралиб юрувчилардан агамалар, гекконлар, кобралар, манбалар, қора илонлар тарқалган. Дарёларда тимсоҳларни учратиш мумкин. Мазкур кенжга областга тегишли ҳавзаларда кўп шуълали ва икки хил нафас олувчи протоптер балиқлар тарқалган.

Саваннадаги яшил ўсимликлар массаси билан озиқланувчи ҳашаротлар турли-туман бўлиб, уларга тангача қанотлиларнинг қуртларини, фитофаг-қўнғизларни, баргхўрлар, цикадалар, турли чумолилар, қизил ва чўл чигирткаларини ва бошқаларни киритиш мумкин.

Бу кенжаба обласатда термитлар миқдори, зичлиги ва ер устки қисмидаги уялари билан юқори кўрсаткичга эга. Жумладан, Зоир саванналарида термитларнинг уялари ер юзасининг 30 % ни ташкил қиласди. Термитлардан ташқари саваннадаги детритни қайта ишлашда кивсяклар, сувараклар, қора қўнғизлар, ёмғир чувалчанглари ва моллюскалар хам иштирок этишади.

5.4. Ғарбий-Африка области

Африканинг ғарбий ва марказий қисмидаги нам экваториал ўрмонлар эгаллаган худудида шаклланган. (Гвинея кўрфазининг жанубий сохиблари ва Конго дарёси бассейни). Бу кенжаба обласатда асосан нам тропик (экваториал) ўрмонлар ёки гиляялар шаклланган. Шундай қилиб Гиляядаги ҳайвонлар жамоасини тупроқда, ўсимлик қолдиклари (хазон) остида ваер устидаги погоналарда яшовчиларга ва дараҳтларнинг турли погоналарида яшовчи турларга ажратиш мумкин. Гиляядаги биоценозда функционал роли бўйича бир нечта тропик гурухларни ажратиш мумкин. Улардан айримлари ўрмоннинг у ёки бу погонасида хам яшашга мосланишлар хосил қиласди.

Сапрофаглар бу жойда турли-туман ва кўп. Улар ўсимликларнинг ердаги қолдиклари билан (хазон, шох, поя ва бошқалар) озиқланишади. Нам тропик ўрмоннинг ўрта ва юкори ярусларида турли фитофаглар тарқалган бўлишади. Фитофаглар ўсимликларнинг тирик массалари (барг, шох-шаба, мева ва бошқалар) билан озиқланишади. Фитофаг ва сапрофагларга қараганда зоофаглар погоналар бўйича бир мунча текис тарқалишга эга. Булар йиртқичлар, ҳашаротхўр қушлар, йиртқич умурткасизлар, экто ва эндо паразитлар (ҳайвонлар паразитлари) ва бошқалар.

Полеарктиканинг табиий шароити жуда турли-туман. Мазкур кенжа обласнинг фаунаси ўзининг келиб чиқишига кўра, қадимги тропик Евроосиё фаунаси тегишли. Бундай хусусиятли фауна учламчи даврнинг охири ва тўртламчи даврда (мўз босиш даври) экологик шароитнинг турли ўзгаришлари (чўллашув, иқлимий шароитлар) оқибатида тубдан ўзгаришга учраган. Натижада фауна биринчидан жуда камбағаллашган, иккинчидан унда жуда кўпфилогенетик ёш гуруҳлар пайдо бўлган, бундай гуруҳлар совўқда ва иссиқликда яшашга мослашган. Fauna таркибидаги нисбатан кам сонли эндемикларнинг мавжудлиги унинг қадимда жанубий фаунистик областлар билан фаунистик алоқада бўлганлигини тасдиклайди.

Сут эмизувчилардан икта эндемик оила вакиллари яъни выхухонлар ва селевинлар оиласидан учрайди. Авлод даражасидаги эндемиклар анча кўп. Ҳашаротхўрлардан вихухоллардан ташқари кротлар, ер қазарлар, типратиканлар ушбу кенжа облас учун характерли. Ерқазарлардан бурама тишли ер қазарлар ва оқ тишли ер қазарлар айниқса кўп. Полеарктика мазкур турларнинг ватани ҳисобланади. Бурама тишли ер қазарларга сувда учрайдиган кутора ҳам тегишлидир.

Қўлқанотлилар камчиликни ташкил этади. Уларнинг асосий қисми жанубда ва жанубий ғарбда тарқалган. Товушқонсимонлардан товушқонлар ва думсиз сичқонлар тарқалган.

Кемиравчилардан типик оила вакиллари ҳисобланган олмахонлар оиласидан олмахонлар, юмронқозиқлар, сугурлар, бурундўклар учрайди. Сичқонлар, сонялар, қушоёқлар, кўрсичқонлар ҳам мазкур туркум таркибидан кенг тарқалишга эга.

Йиртқичлар Полеарктика кенжа обласи учун характерли ҳисобланмайди. Сиртлостлар ва виверола кенжа обласнинг жанубида тарқалган. Итсимонлар, айиқсимонлар, мушўксимонларнинг фаунадаги хиссаси анча салмоқли. Туёклилардан серна ва ёввойи елик (косуля) эндемик ҳисобланади. Отлар оиласидан Пржевальские оти ва қулонлар фақат Полеарктика кенжа областида учрайди.

Ёввойи чучка, ёввойи куй, ёввойиэчки, зубр ва турли-туман буғулар ҳам мазкур ҳудуд учун характерли турлардан саналади. Туяларнинг бир ва икки уркачли турлари чўл ва дашт зоналарida тарқалган.

Полеарктиканда ҳартумлилар ва одамсимон маймунлар, каркидон ва бошқа тропик областлар (Эфиопия, Индо-малай) учун характерли турлар учрамайди.

Полеарктиканинг орнитофаунаси ҳам ўзининг турли-туманлиги жихатидан тропик областлардан анча орқада туради. Аммо айrim гуруҳларга мансуб турлар бу жойда анча кенг тарқалишга эга. Буларга чумчуқсимонлар туркумига мансуб бўлган мойкутлар оиласи (300 турдан ортик бўлиб, дараҳт ва бўта ўсимликларидан иборат ҳудудларни эгаллади). Худди шундай выюроқлар ва дехкончумчуқлар ҳам анча тараккий этган. Қарғасимонлар оиласи жуда кенг тарқалишга эга. Загизон ва хужасавдогар эса эндимик турлар саналади. Кўрлар ва товуқсимонлар кенг тарқалишга эга. Каккулар, қизилиштонлар, кўк каркалар тропик районлардагига қараганда анча тор тарқалишга эга. Тўтилар, каркидон қушлар, некторқалар ва бошқа туркумлар ва оиласидан вакиллари бу кенжа обласдан учрамайди ёки якка тартибда учраб қолади. Шундай ўзига хос

хусусиятлар рептилиялар учун ҳам тўғри келади. Рептилиялар фаунаси ҳам бу кенжга областга қушни тропик областлар фаунасидан анча камбағал. Тангачалилардан хақиқий калтакесақларва агамалар ҳарактерли. Полеарктиканинг чекка жанубида ҳамелионларнинг алоҳида ўзига хос турлари учрайди. Заҳарли илонларнинг асосий қисми кобра илонларга мансуб. Қалқонумшук илон ва бир қанча илонлар ҳам бу ҳудуд учун ҳарактерли. Тропик ҳудудда кенг тарқалган бугма илонлар Полеарктикада деярли учрамайди. Майда бугма илонларгина ушбу районда тарқалган ҳолос. Қурилонлар, тимсоҳлар ва терили тошбақаларнинг ягона ва киллари жанубий чегара районлардагина учрайди.

Сувда ҳам қуруқликда яшовчилар фаунаси турли-туман. Эндемик оила вакиллари ҳисобланган бурҷактишиллар (углозут) учрайди. Кўп сондаги бошқа думли сувда ҳам қуруқликда яшовчилар учрайди. Бақа ва қурбақалар кенг тарқалган. Қвакшаларнинг иккита тури учрайди. Чучўқ сув балиқларидан карпсимонлар, олабугасимонлар, лосослар кенг тарқалишга эга. Карпси монлар кенжга областнинг асосан жанубида, лососсимонлар эса шимолида ва шарқида кенг тарқалишга эга. Голомянкалар ва кенг пешоналилар оиласлари эндемиклар бўлиб, Байкал кулида тарқалган. Эндемикавлодлардан карас, ғорчак, ершлар учрайди. Умурткасизлар фаунаси турли-туманлиги ва гўзаллиги билан тропик областлардан орқада туради. Эндемизм авлод даражасида намоён бўлади. Булар йиртқич кунгизлар, апполон капалаклари (тоғли шароитда яшайди) ва бошқа қатор турлардан ташкил топган.

8.4. Неоарктика кенжга области.

Шимолий Американинг тропик ҳудуд шимо лида жойлашган қисмини эгаллайди. Тинч океанидаги Алеут ва Ванкувер ороллари, Атлантика океанидаги, Грелландия, Ньюфаундгинд ва Бермут орол лари ҳам мазкур кенжга областга тегишли. Унинг жанубий чегараси Неотропик областнинг шимолий чегараси орқали ўтади. Меридиан бўйлаб чўзилган лиги муносабати билан бу кенжга област тропик иқлимдан ташқари барча кўпдаги иқлимий хусусиятларни ўз бошидан кечиради. Тинч океани қирғоқ ларидаги иқлимий хусусиятлар Атлантика океанига қараганда анча юмшоқ.

Ўсимликлар қатламининг ривожланганингига кўратундра, таги кенг баргли ўрмонлар ва прерийларга булинади. Сув тропик нина-кенг баргли ўрмонлар Тинч океани қирғоқлари бўйлаб чўзилган. Субтропик чўллар Мексика тоғ олди ва унинг шимолида жойлашган районларни эгаллайди. Бу ҳудуд-кактуслар макони ҳисобланади.

Ўсимликлар қоплами инсон аҳамияти ту файли қучли ўзгарган ва бўзилган. Айниқса шарқда кенг баргли ўрмонлар ва прериялар қучли ўзгаришга учраган. Инсон таъсиридан ҳоли бўлган табиат комплекслари кўпчилик ҳолларда АКШ ва Канаданинг миллий bogларида сақланиб қолган.

Бу кенжга областнинг, шужумладан, Полеарктиканинг жанубий районла рида фауна нисбатан хилма-хил ва бой. Шимолий йуналишда аста-секин фауна камбағаллашиб боради. Неоарктика кенжга областнинг Неотропик област билан чегара ҳудудида фауналар орасида ўзаро алмашинув юз бериб тура ди. Неоарктикада сут эмизувчиларнинг учта эндемик оиласлари учрайди. Буларга кемирувчилар туркумидан аплодонтлар оиласига мансуб ягона тур киради. У олмахонларга яқин бўлиб, ғарбий районлардаги нам ҳудудлардаги яшаш жойларда учрайди. Гоферолар ҳам кемирувчилар туркумига оид оила бўлиб субэндемик турлардан ташкил топади. Улар киркга яқин тури мавжуд бўлиб, шундан биртаси Неотропик областга кириб боради. Учинчи оила бу сих шохлар оиласидир. Бу оиласинг бир тури учрайди. У Шимолий Америка нинг ғарбидаги прериялар учун эндемикдир. Унинг шохи ковушшохлиларнинг (жайрон) шохига ўхшаб суюқ асоснинг устида кийгизиб куйилган гилофга ухшайди, аммо ковушшохлилардан фарқ қилиб ҳар йили урчишдан кейин шохи нинг гилофи тушиб кетади ва қайтадан янгиси усиб чикади. Авлод даража сидаги эндемиклар ан кўп. Жумладан, сакровчи кемирувчилар АКШ нинг жану бий-ғарбига қатор эндемиклар авлодлардан ташкил

топган. Олмахонлар-эндемик ҳисобланган утлоқ итлари антилопасимон юмронқозық ва бурундыксы мон олмахонлар каби авлодларни ташкил этади. Йиртқичларданmallа бўри эндемикдир. Кулранг тулки, Америка бурсиги ва скунсларёки бадбуйлар ҳам эндемиклар саналади. Неотропик областидан Неоарктика кенжада областига халталилардан-Америка опоссуми кулка нотлилардан баргсимон бурунлилар ва вампирлар Америка жайралари, енот лар ва пекарлар утиб туради.

Неоарктика ва Полеарктика учун умумий ҳисобланган турларга қуидагилар киради: кротлар, кошанлар (күршапалаклар), думсиз сичқонлар, товушқонсимонлар, олмахонлар, олахўржунлар, дала сичқонлар ва бошқа қаторолаларни киритиш мүмкин. Тур даражасидаги вакиллариға бобра, бўри, оқ айик, кунгир айик, лос, горцостай, хақиқий бўғу ва бошқа қатор турларни киритиш мүмкин.

Неоарктиканың типратиконлар, каламушлар ва хақиқий сичқонлар учрамайды, аммо олахұржүнлар жуда кенг тарқалишга эга.

Неоарктика орнитофаунаси Полеарктика ва Неотропикага ухшаш айрим хусусиятлар ни ўзига саклаб қолган. Айниқса Полеарктиканың ухшаш орнитофауна тарки бида сув ва суволди күшларининг фоизи юкори кўрсатгични ташкил эта ди. Уларга гагаралар, кунгирлар, ўрдаклар (ёввойи ўрдак, сўксур, гага) ни киритиш мумкин. Фозлардан Америка оқкуши, Канада қазарка, чиройли санала диган киролурдаги эндемиклар ҳисобланади. Лочиннамолар орасида Поле арктиканың ҳам учрайдиган бургут, киргий, шумкар (кречет) учрайди. Эндемиклардан оқбош бургут, шилликхўр калхат, сих думли калхат ва таскара-индейка учрайди. Неоарктика субэндемиклари индейкасимонлардан ташкил топган. Бу жойда Америка каккуси ҳам яшайди. Улар учун уя паразитизми хос эмас, улар тухумларини ўзлари босишади. Бу хусусияти билан Европа какку ларидан ажralиб туради. Неоарктиканинг жанубида Америка таскаралари кенг тарқалишга эга. Қолибралар, косиклар, тиронналар, танагрлар ва бошқа турлар ҳам кенжака областнинг жанубида кенг тарқалган. Унинг шимолида По леарктика кенжака областига хос турлар. (свиристел, кропивник, пищчӯка, чичетка ва бошқалар) учрайди.

Судралиб юрувчилар фаунаси хақиқий калтаке сақлар ва кора илонларнинг йўқлиги билан фарқ қиласиди. Агамалар урнида игуаналар тарқалган. Заҳартишлилар оиласи эндемик саналади. Уларнинг таркибига ҳаммаси бўлиб иккита тур Шимолий Америка (Мексика) калтакесақлари киради. Уларпланетадаги ягона заҳар безларига эга бўлган турлардир. Унинг чақиши инсон учун хавфли. Неотропик областидан сцинклар, тейидлар, урчўксимонлар утибтуради. Илонларнинг асосий кўпчилиги типик Америкага хос оила ва авлодларга тегишли вакиллардан ташкил топган. Нисбатан ҳарактерли турларга халконтумшук ва шакилдоқ илонларни кири тиш

мумкин. Уларнинг заҳари инсон ва ҳайвонлар учун хавфли. Аспидсимонлар кам, кобралар умуман учрамайди. Бугма илонлар (Калифорния бугма илони резим илони) тропик бугма илонларга караганди кичик размерларга эгалиги билан ажралиб туради. Тошбақаларнинг кўпчилиги жанубдан кириб келган каймансимон ва балчик тошбақаларидан ташкил топган. Куруқлик тошбақаларидан гоффер тошбақаси учрайди. У қуруқ, қумли худудларни танлайди. У узунлиги 12 метр бўлган уя казиди. Бундай уяларда баъзан қурбақалар, илонлар, күёнлар, опоссумлар ва хатто енотлар ҳам учраб туради. Гоффер тошбақаларининг гушти сифати бўйичаюкори баҳоланади. Миссисипи ҳавзасида аллигаторларнинг неотропик оиласи вакилларидан Миссисипи аллигатори учрайди.

Унинг узунлиги 4 метр. Сувда ҳам қуруқлаикда яшовчилар орасида думлиларнинг вакиллари анча кўп. Улар Полеарктика билан узвий алоқада. Буларга яширин жабралилар, амбистомалар, сиренлар, хақиқий ва упкасиз саламандралар киради. Амфибиялар кенжা областнинг жанубда яшайди ва эндемик саналади. Ўзига хос диккатга сазовор тур-думли қурбақа-*Ascaphus truei* силлик оёклилар ёки леопельмит оиласига тегишли бўлиб, ер юзида унинг иккита тури учрайди. Унинг иккинчиси Янги Зелландияда учрайди. Неоарктиканда уч ровчи сувда ҳам қуруқликда яшовчиларнинг

думсиз вакиллариға неотропик областдан утувчи тор оғизли бақалар, квакшалар, чесночница, бақалар ва хақиқий қурбақалар учрайди.

Неоарктиканың ихтиофаянасида амиясимоларэндемик түркүми ёкибалчик балиқлари учрайди. Балчик балиқлари энг тубан балиқлар хисобла нади. Субэндемикларга панцарлilar (қалқонлilar) түркүми киради. (Кар конли чүрттан) Лососсимонлар, осиотрлар, чүрттанлар оиласы мазкур кенжə областта Полеарктика ихтиофаянасининг кариндош (урұғдош) лари сифатида утиб қолган. Тишликарлар Америка сошлари ҳарасиналар Неотропик областдан ўтишган. Африка ва Евроосиёда доминант түр санаған карпнамо лар Неоарктигада учрамайди.

Неоарктика умурткасизлари фаунаси ҳам еотропик области ва Полеарктика кенжə областлари билан узвий алоқада. Чучук сув малюскаларидан бир неча юз турға эга бўлган унионид оиласи ҳарактерлидир.

Ҳашаротхўрлардан қўнгизлар диккатга сазовор. Тангачақанотлилар (капалаклар) асосан Полеарктиканан келиб чигган. Тропик гурухга мансуббўлган вакиллар дантермитлар учрайди.

8.5. МДХ худудидаги табиий зоналар фаунаси.

Голарктика зоогеографик обласгини ва унинг кенжə областларини тур ли адабиётларида турлича районлаштириш кулланилган. Жумладан, В. Г. Гептнер (1936) оларктика обласгини Полеарктика ва Неоарктика каби иккита кисмга бўлган ва умуман Голарктикан 7 та кенжə областта бўлиб ўрган.

Голарктика области-шоҳ бўлиб, Полеарктика ва Неоарктика-кенжə шоҳ бўлиш сифатида, улар таркибидаги регионлар обласи ҳамда кенжə обласи ларга бўлиб ўрганилган ҳоллар ҳам адабиётларда учраб туради. (И. К. Лопатин, 1980) Полеарктика (у кандай ранг бўлишидан катъий назар) Склэтер ва Уоллес уни огеографик критерияга биноан схемалаштирган, яъни хай вонларнинг тарқалишида эндемизм даражасини хисобга олган ҳолда районлаштирган Н. А. Северцов (1877) эса бошқача йул тутди, яъни районлаштиришда зонал-иқлимий хусусиятларни хисобга олди. Ю. И. Черновнинг фикрича, фаунистик областларга ажратишда иқлимини эмас, аксинча фаунистик хусусиятларини асос қилиб олиш зарур. М.А.Мензбир (1934) Полеарктикан 3 та кенжə областта бўлган. Сибир-Европа, Ўрта Ер денгизи, Ўрта Осиё, А. П. Семенов-Тянь-Шански (1936) мазкур кенжə областларга яна Полеарктика кенжə обласгини күшган. В. Г. Гептнер (1936) Полеарктика Европа-Сибир, Ўрта Ер денгизи Марказий Осиё Манжурия-Хитой кенжə областларига ажратган.

Неоарктика кенжə обласи биринчи бўлиб Уоллес томонидан фаунистик жихатдан 4 га булинган. И. К. Лопотин (1980) уни иккита областта яъни Канада ва Сонор областларига бўлган. В. Г. Гептнер (1936) эса Полеарктика ва Неоарктика ранглари учун умумий бўлган Арктика кенжə обласгини ҳам ажратган. Хулоса қиладиган булсак, турли зоогеографик районлаштириш на тижалари асосан икки йуналишда олиб борилган. Биринчи йуналишда асосан худудий таксимланиш ва эндемиклар асоси да районлаштириш амалга оширилган. Иккинчи йуналишда асосан иқлимий ху сусиятлар, яъни ҳар бир муайян худуднинг экологик шароитларидан келиб чигган ҳолда районлаштириш амалга оширилган шу сабабли Голарктик обласгини кенжə областларга ажратган ҳолда ўрганиш бўйича ягона негиз йўқ. Мазкур ишни бажаришда биз Голактика обласгининг фаунасини турли зоналарга бўлган ҳолда ўрганишни маъкул топдик. Бундай йул тўтиш фауна дан экологик шароитлар билан боғлиқ ҳолда шаклланиб боришини яққол ифодалаш учун кулай. Иккинчидан кенжə областларга ажратишда ягона прин ципнинг йўқлиги уларнинг майдонларини бир-биридан фарқ қилишда анча кийинчиликлар тугдиради. Fauna турли зоналарга (тундра, тайга, кенг баргли, аралаш ва бошқа) бўлиб ўрганишда унинг шаклланишини яққол ифодалаш экологик хусусиятларини тула ёритиш имконияти туғилади.

**Голартика зоогеографик областига тегишли минтақалар ва уларнинг
фаунасига солиштирма характеристика**

•	МИНТАҚАЛАР НОМИ	МИНТАҚА ФАУНАСИГА ХОС БҮЛГАН ХУСУСИЯТЛАР	МИНТАҚАДА УЧРОВЧИ АСОСИЙ ТУРЛАР
1	АРКТИКА ЧҮЛЛАРИ	Фаунасининг асосий қисми денгиз билан алоқадор ,умурткасизлар жуда кам куруқлик асосан қўпайиш учун фойдаланилади. Ёз охирида қўпчилик турлар жанубга миграция қилади.	Оқ айиқ бир неча тур кўракоёқлилар, гагара, кутбяпалоққуши, гага, тюлень ,морж.
2	Тундра	Фаунаси камбағал ,утроқ яшайдиган турлар кам, Эндемизм юкори. Fauna зичлиги мавсум ва йиллар давомида жуда ўзгарувчан. Совук шароитга нисбатан морфофизиологик мосланишлар кузатилади. Ёз охирида ҳашаротлар жуда тез қўпаяди.	Оқ каклик, кутб япалоқ қуши леммин, шамол бугиси кор қуи-чупўк, бўри, тулки, ғорностай, олмахон ,як куёни, оқ тумшуқли гагара.
3	Тайга	Тайга фаунаси тундрага қараганда бой. Айрим турларнинг адабтацияланиши юкори ареаллари кенг (лось) эндемиклар нисбати кўп. Қишининг совўк бўлиши сабабли амфибия ва рентилиялар кам учрайди.	Лось, соболь, олмахонлар қора қизилиштон, кедровка снегирь, читтаклар, ўрмон леминги, каркўр, ёввойи чучка, аргал, косуля.
4	Кенг баргли аралаш ўрмон.	Фаунаси бошқа минтақаларга қараганда бой. Озиқланишига кўра турли-туман гурухлар учрайди. Fauna таркиби мавсумга караб жуда ўзгарувчан. Кўпчилик турлар тайга ва дашт зонасига хос.	Зубр, европа норкаси, олмахонлар ўрмон дала сичқонни, асл буги, косуля, <u>яшил</u> қизилиштон, заргалдоқ, зябкин, қора айик, енотсимон ит.

5	Дашт	Фаунаси инсон фаолияти туфайли қучли ўзгарувчан. Ўтхўр ҳайвонлар кўпчиликни ташкил этади. (кемирувчилар) кемирувчиларсони жуда ўзгарувчан ҳаракатга эга. Тупроқ умурткадорлиги кам. Кўпчилиги уя казиб яшайди. Ҳайвонлар нотекс тарқалган. Ярустлилик йўқ.	Сайгоқ, байбак, юмронқозик, кўрсичқон, дала сичқони, қушоёқ, бургут, бўктарги, тувалоқ, бизгалдоқ, тўргайлар, сув илон, чипор илонлар ва бошқалар.
6	Чўл	Қадимий ландшафт, шу сабабли эндемиклар кўп. (ингичка бармоқли юмронқозик, хўжасавдогар) ҳайвонларнинг кўпчилиги ер устида ва қазилган уяларда хаёт кечиради. Ярустлилик деярлик йўқ. Дашт зонасига қараганда фаунаси бой. Намликтарнинг Нисбатан турли эга.	Ёз калтакесаги, бургут, тўргайлар, агамалар, чипор илонлар, юмронқозик, сайроқ, бўри, тулки, бурсик, кўзгун, уй сичқони, уй чумчук, дашт тошбоқаси, гекконлар, эчкемар ва бошқалар.

Ўзбекистон Республикаси ва унга қушни давлатлар фаунасини ва умуман экологик хусусиятларини чуқурроқ ўрганиш мақсадида МДХ ҳудудининг фаунистик комплекслари ҳамда унинг шаклланишини таъминловчи муҳим омилларни ўрганишини лозим топдик.

МДХ ҳудудининг Голарктик обlastининг Палеарктика кенжа обlastига тегишли. Мазкур ҳудуд фаунасининг тарқалиши асосан зонал (минтақавий) хусусият касб этади. Баъзи кисмларида минтақавий кенглиқдан чекиниш кузатилади. Бу ҳолат ушбу регионларнинг ўзига хос рельефи ва тарихий шаклланиши билан тушунтирилади. Арктика денгизларининг қирғоклари.

Арктика денгизларининг ороллари ва Евроосиё материгининг шимолий қирғоқларидағи тор минтақада шаклланган ҳайвонот дунёси Шимолий мўз океани денгизлари билан яқиндан алоқада бўлиб МДХ ҳудудида ўзига хос Арктика зонасини ҳосилкилади.

Арктика қирғоқларида умурткасизлар кам сонда учрайди, умурткалилар эса денгиз Арктика фаунасида эса тегишли. Буларга оқ айик, бир неча тур кўрак оёқлилар ва кушларнинг қолониялари киради. Улар қуруқликдан асосан кўпайиш учун фойдаланишади. Мазкур турларнинг бу ерда бўлиши мавсумий характерга эга.

Ёз ойларида бу ерда уя кўрадиган кушлардан гагаралар, гозсимонлар туркуми вакиллари пайдо бўлади. Шумкар, кутб япалоқ қуши ва бошқалар бу жойга миграция қиласиди. Ёз охирида бу жойдаги кўпчилик ҳайвонлар жанубга учиб кетишади, айримлари жанубий-гарбга, баъзан шимолга очик денгизга миграция қилишади.

Бу зонанинг яна бир хусусияти ҳайвонларнинг ҳудудий таксимланиши текис эмас, улар қушлар йигиладиган маҳсус жойлар (бозорлар) ва шунга ухшаш жойларга иғилишади.

Мурманск атрофидаги оролларда гага номли ўрдакларнинг йирик қолониялари учрайди. Булардан парлар олинниб турли мақсадларда фойдаланилади. Баренц ва Чўкотка денгизлари қирғоқларида тюленлар кўпайишда учрайди. Чўкоткада эса моржлар кўпаядилар.

Бу ҳудудда асосий озиқа манбаи ролини денгизлар уйнайди. Қирғоқда ўсимликлар қоплами камбағал. Шу сабабли бу жойларда фитофаглар кам, зоофаг ва капрофаглар кўп учрайди. Озиқа занжири қисқа. Айниқса қишинасида биоценозларнинг жуда соддалиги яққол намоён бўлади, шу сабабли биоценотик алоқалар осонлик билан бўзилиши мумкин. Бундай хусусиятлар мазкур зона ҳайвонот оламини эксплуатация қилишда жуда эҳтиёткорлик билан ёндашишни ва чуқур биоценотик анализ қилишни талаб этади. Маҳаллий ҳайвонларнинг яшаш мухитларидағи ҳар кандай бўзилиш ҳам хавфли хисобланади.

Тундра зонаси. МДХ ҳудудида тундра эгаллаган майдон 3 миллион км кв. ёки умумий ҳудуднинг 15 фоизини ташкил этади. Мазкур ҳудуднинг шимолда жойлашганлиги ва Шимолий мўз океанининг таъсири натижасида иқлимий хусусиятларининг каттиклиги кузатилади. Тундра учун куйидаги хусусиятлар характерли:

1. Доимий яшовчи ҳайвонларнинг тур таркиби камбағал.
2. Ҳайвонларнинг эндемизм даражаси юкори.
3. Фаунанинг ҳудудий жихатдан бир хиллиги.
4. Мавсумий равишда фаунанинг тур таркиби ва сонининг жуда ўзгарувчанлиги.
5. Бир қатор ҳайвонлар турларининг сонини йиллар давомида кучли ўзгарувчанлиги.

Тундра шароитида ҳайвонларнинг мавжудлигини ва кўпайишини бу зонадаги ҳайвонларда табиий танланиш натижасида ҳосилбўлган қуидаги мосланишлар таъминлайди:

1. Анабиоз ва қишки уйку. Анабиоз ҳолатга тундрадаги барча умурткасиз ҳайвонлар қиши даврида ўтишади. Уйкуга кетиш қишида ўзун думли юмронқозик, қора шапкали сугур каби эндемик турлар учун характерли.
2. Мавсумий миграция ва кучманчилик. Кўпчилик қушлар кўзда тундра тарк этади. Кўзда рмон тундрага ёввойи шимол бугиси кучиб келади.
3. Қишида ҳайвонларда морфофизиологик мосланишнинг шаклланиши ва патларнинг рангидаги ўзгаришлар, тери ости (жун қатламишининг шаклланиши ва бошқалар).

Фауна таркиби қишда бу зонада жуда камбағал бўлади. Актив яшовчи умурткасизлар ҳам бу вақтда улмайди. Қишда бу зонада оқ каклик, пуночка, лапланд подорожники, кутб япалоққуши ва шумкар-лочин қишлиш учун қолишади.

Сут эмизувчилардан тундра зонасида йил бўйи қуйидаги эндемик турлар актив хаёт кечиради. Иккинчи тур лемминлар, песец, шимол бугиси, кор куйи, ёки чубўқ. Бутун қиш мавсумида катта экологик валентликка эга бўлган, кенгареалларни эгаллаган бўри, тулки, ласка, горностай ва оқ то вушкон каби турлар учрайди.

Ёз ойларида тундрада зичлик ва биомассаси бўйича ҳашаротлар юкори уринни эгаллади. Бу зонада майда кискичбақасимонлар, ингичка тумшуқли бақа, утлоқ бақаси ва тирик тугувчи калтакесек учрайди.

Уя қуриш даврида гагаранамолар, гознамолар, балчикчилар туркуми ва киллари, йиртқич қушлар вакиллари учиб кетишади. Баҳорга шимол бугиси, оқтовушқон бўри, тулки, росомаха ва кунгир айиқ тундрага миграция қиласи. Лемминглар ноқулай келган йилларда жуда кўплаб кирилади. Бу ҳол песцаларнинг, кутб япалоққушларининг ва бошқа тундрада яшовчи йиртқичларнинг озиқа баъзасини ёмонлашувига сабаб бўлади. Кулай йилларда уларнинг сони жуда тез кўпайиш хусусиятига эга.

Инсон фаолияти тундранинг 50 % ортик худудига ўз таъсирини утказган. Айниқса буғучилик нефть ишлаб чикариш, газ саноатининг ривожланиши ва бошқалар шулар жумласидан-дир. Натижада ўсимликлар қоплами нобуд бўлиши ва улар билан боғлиқ ҳолда ҳайвонот оламининг йуқолиши кузатил моқда.

Ўтган асрнинг 80-йиллар 5 % турлар йуқолиш арафасида бўлишган.

Тайга жуда кенг майдонни яъни тундранинг жанубий қисмини эгаллади. Шимолда тайга тундрадан аник ажралиб турари, шарқда эса у дашт зонаси билан бир оз аралашади.

Тайга фаунаси тундрага қараганда анча турли-туман, бой. аммо кенг майдонни эгаллаганлигига қарамай тайга фаунаси кенг баргли ўрмон фаунасидан камбағал. Бу зонада айрим турлар кенг ориалларни эгаллади. Жумладан, лось, росомаха, соболь, оқтовушхон ва бошқалар. Тулки, олмахон, борностой ва бошқа қатор турлар кенг экологик валентликка эга бўлиб анча кенг майдонларни эгаллашади. Худди шундай хусусият қора қизилиштон, кедровка, снегир, кайчи тумшуқ ва айрим читтаклар учун ҳам хос. Бу худудда соболь, росомаха, қолон ноқ, ўрмон лемминги, қизил дала сичқони, оддий ва тош каркўрлари, бир неча турдаги япалоқ қушлар, сибирь бурчак тишилиси (амфибия), сибирь бақаси тирик тугувчи калтакесек каби қатор турлар эндемик саналади.

Қишининг қаттик кечиши ва узоқ давом этиши туфайли сувда ҳам куруқлиқда яшовчилар ҳамда судралиб юрувчилар кам. Ҳашаротлардан муйловдор кунгизлар, пустлоқхўркунгизлар ва бошқа бирқанча турлар эндемик ҳисобланади. Европа-Фарбий-Сибир, Шарқий-Сибир, Жанубий тайга фауналари орасида айрим тафовутлар кўзга ташланади.

Тайга зонаси учун қуйидаги характерли турларни кўрсатиш мумкин: кабарга (кичик буғи), лось, олақарға, ўрмон куничаси, қора қарға, тез калтакесаги, буғу-мараль (кенжак тури), сибир косуляси, ёввойи чучка, аргал, сибир эчкиси, кор барси, қизил бўри, олтой улари каби қатор турлар учрайди. Тайги зонасида мураккаб экосистема намоён бўлади. Бу жойда кўпчиликий турлар уйкуга кетишса, кўпчилиги кор остида озиқа кидиришади.

Бу зонада доминан турлар сифатида бир-икки тур нина баргли дараҳтлар асосий уринни эгаллашади. Уларнинг яшаш шароитига нисбатан ҳар кандай сал бий таъсир, бутун экосистемага салбий таъсиркўрсатиши мумкин. Тайга зонасида қатор серсув дарёлар учрайди. Улардан Сибир дарёлари ҳисобланган чучук сувли Енесей, Обь, Лена, Қолымга дарёларини, Европа қисмида Шимолий Двина, Печора ва бошқаларни кўрсатиш мумкин. Бу дарёларнинг барчаси Шимолий Мўз океанига тегишли. Бу дарёлар учун

умумий бўлган хусусиятлар: уларнинг сувлари совўк, сероб (кўп сувли), ҳаммалари бир оқеанга куйилади.

Мазкур дарёларга лососсимонлар туркуми вакиллари доимий яшашади. Трескасимонлардан налим учрайди. Карпсимонлар кам, сомлар эса мутлақо йўқ. Сибир осётри, Сибир миногаси каби турлар кам учраса ҳам ҳарактерли тур саналади. Улар Европа дарёларида учрамайди. Диккатга сазовор фауна Байкалда кузатилади.

Бу жойда 50% балиқлар эндемик ҳисобланади. (50 турдан 23 тур). Бундай эндемик турлар қаторига тирик тугувчи чучук сув балиқлари-Голлонянкалар оиласини, Коттоқамефоралар оиласини киритиш мумкин. Байкалда байкал нерпаси ҳам эндемик тур ҳисобланади. Бу кулда умурткасизларнинг ҳам кўпчилиги эндемик ҳисобланади. 376 тур кискичба касимонлардан 334 таси эндемик саналади.

Тайга ҳайвонларидан турли мақсадларда фойдаланилади. Жумладан, олмахонлар, соболь, қолоноқ, ғорностой, тулки, товушқон ва ўрмон куницилари ва бошқалардан муйна олишда фойдаланилади. Фермаларда ярим ёввойи ҳолда марал бокилади. Ундан пант-ёш шоҳ олишда фойдаланилади. Пантдан тетиклаштирувчи пантоқран препарати ишлаб чиқарилади. Тайга зонасида яшайдиган 8-турдаги ва кенжা турдаги сут эмизувчилар, 13-тур ва кенжা тур қушлар, 4-тур балиқлар ва 2-турдаги молюскалар тайга зонасидаги кўллар ва дарёларда яшайди ва "Қизил китобга" киритилган.

Кенг баргли ва аралаш ўрмонлар. МДХ ҳудудининг Европа қисмидаги жой лашган. Бу ўрмонлар флористик ва фаунистик жихатидан тайга зонаси билан алмашиниб туради. Бу ҳолат айниқса Шимолий Шарқда яққол намоён бўлади. Жанубда кенг баргли ўрмон зонаси ва дашт зонаси чегаралари яққол ажралиб туради. Аммо бухолда ҳам аралаш фаунага эга бўлган ўрмон даштнинг уткинчи кенг зоналари учрайди. Бундан ташқари кенг баргли ўрмон зонасининг айрим ҳайвон турлари дашт зонасига чуқур кириб боришади. Шу сабабли бу жойланинг фауналарнинг чегараси ноаник бўлади.

Худди шундай дашт зонаси ҳайвонлар ҳам ўрмон зоналарга утилади. Кенг баргли ўрмон фаунаси турли-туман. Бу зонада МДХ даги бошқа ҳар кандай зонага нисбатан турлар сони кўп. Мазкур зонада турли экологик гурухларга мансуб бўлган кўпгина турлар учрайди.

Жумладан, ер усти ҳайвонларидан буги, зубир, йиртқич сут эмизувчилар, кўрлар, кўрак оёқли қушлар, бир неча тур калтакесақлар ва илонлар, ер казиб яшовчи ҳайвонлар гурухидан крот, кўпгина кунгизларнинг личинкалари ҳашаротларнинг личин калари баъзи турдаги чумолилар ва бошқа умурткасизлар; ўрмон остидаги қопламларда яшовчи ҳайвонлардан ер қазар кемиравчилар ва жуда турли туман умурткасизлар; буттазорларда яшовчи ҳайвонлардан кўп турдаги май да чумчуқсимонлар; дараҳтларнинг поя ва шохаларида яшовчи ҳайвонлар ол маҳон, ўрмонкунищаси, изилиштон, фотма чумчуқлар, лочиннамолар, япалоқ қушлар, чумчуқнамолар, ҳашаротлар; сув ва сув олди ҳайвонлари, кўракоёқли лар, балчикчилар, карпнамолар, олабуганамолар ва бошқа турларга мансуб кўп балиқ турлари, корин оёқли ва икки копкоқли молюскалар, кискичбақа симонлар ва ҳашаротлар учрайди.

Озиқланиш муносабатига кўра ҳам кенг баргли ўрмон организмлари турли-туман. Кенг баргли ўрмон фаунаси йил мавсумлари давомида ўзгариб туради. Бу зонада келгинди турлар кўпчиликни ташкил этади. Булар дашт, тайга зоналари ва бошқа ҳудудлардан утиб туради. Кенг баргли ўрмон зонаси табиий танланиш йўли билан ҳайвонларда хусусий адаптацияларининг шаклланишига сабаб бўлган:

1. Анабиоз ва уйкуга кетиш қишида бу зонада ҳайвонлар орасида кенг тарқалган. Бу ҳолатларнинг доимийлиги мазкур зонада тайгага қараганда анча қисқа.

2. Мавсумий миграция, кучиб юриш, озиқа таркибининг мавсумий ўзгариб туриши, кенг баргли ўрмонларда яшовчи ҳайвонлар учун хос бўлиб, бу хусусият айниқса қушлар орасида яққол сезилади.

3. Бу зонада дараҳтларнинг ковакларига уя кўрувчи қушлар ва сут эмизувчилар сероб. Жумладан, қизилиштонлар, япалоқ қушлар, пашшахўрлар, кўкқарғалар, кўршапалаклар, олмахонлар, ўрмон сичқонсимон кемиравчилар ва бошқалар уя қуришади.

4. Мазкур зона ҳайвонлари учун турли-туман хулкий ва морфофизиологик адаптациялар ҳарактерли. Булар жумласидан дараҳтларда яшаш; кор остида яшаш қобилияти (кемиравчилар, ҳашаротхўрлар, майда йиртқичлардан ласка, горностай); қишига ёғ қатламини ва жун қатламининг очили ҳисобига совўк шароитда яшашга мослашиши (кўпчилик ҳайвонларда тулаш тери қопламлари, рангини ўзгариши орқали содир бўлади, масалан, товушқонлар, ласка, горностай ва бошқалар).

Айрим турлар (хомяқ) йилнинг нокулай мавсуми учун озўкани захира ҳолда йигади. Кенг баргли ўрмон зonasida куйидаги турлар учрайди: ўрмон кунишаси, ўрмон хорёги, Европа норқаси дашт сичқони ва сичқонлар, зубр, Европа бугиси, Европа косуляси, яшил қизилиштон, вяхирь, пунқуш, заргалдоқ, зяблик, бир неча турдаги читтаклар ва қораялоқлар, ғарб булбули, зарянка, яшил калтакесак, оёқсиз калтакесак-веретеница, медянка (сув илонларидан), оддий квакша, бақалар (утлок, ўткир тумшуқли, кул бақалари), тритон (иккинчи тур), қора айик, енотсимон ит, ўрмон мушуги, чипор буғу, крот, манжурия товушқони, хомяқ, мандаринка урдаги, юмшоқ танли тошбақа, кабарга, кедровка, каркўр, бурсик, тулки, бўри, кўзгун, қора қарға, лочин, жиголтой, қоплон (леопард), йулбарс, баликхўр ўкки, паахўрлар, қалқонтумшук илон ва бошқалар учрайди.

Кенг баргли ўрмон зonasida Волга, Днепр, Давгава ва Немон дарёлари, Чудсное ва Ильмень кўллари ва бошқалар чучўк сув ҳавзалари бўлиб, уларнинг умумий хусусияти Шимолий Атлантика билан билвосита боғлиқлигидадир. Бундан чучўк сув ҳавзаларида карпсимонлар туркуми кенг тарқалган (леш, плотва, зофора, чехонъ ва бошқалар), олабугасимонлардан; оқ сла, оқунь, ерш каби турлар сельдсимонлар, осётрсимонлар учрайди. Балтика денгизи дарёларида дарё уғори, эндемик тур ғорчак, бир неча турдаги уткинчи миногалар учрайди. Бобралар, ондатра ва выхухоль учрайди. Выхухоль Халқаро «Қизил китоб» га ҳам киритилган. Кенг баргли ўрмон зonasи антропоген зуриқишига жуда берилган зонадир.

Даштлар. МДХ худудидаги дашт зonasи ўрмон-дашт, чала чўл каби зоналар билан чегараланади. Дашт ва ўрмон дашт фаунаси учун ўтхўр ҳайвонлар кўпроқ ҳарактерли. Айниқса, сут эмизувчилардан кемиравчилар кўп сонда учрайди. Бундан ташқари ҳашаротлар ва улар билан озиқланадиган ҳайвонлар (ҳашаротхўр қушлар, калтакесак, илонлар) кенг тарқалган. Айрим ҳайвонлар даштларда жуда катта сонда йиғилишиади. Булар жумласига чигирткалар, оддий дала сичқони, кичик юронқозиқ ва бошқалар киради. Мазкур зона флорасида ярутлилик йўқ. Тупроқ умурткасиз ҳайвонларга камбағал. Тупроқ тагида яшайдиган ҳайвонлардан кўр-сичқонларнинг бир неча турлари, дала сичқонлари яшайди. Дашт зonasидаги фауна таркиби мавсумий ҳарактерга эга.

Нисбатан зич жойлашган фауна дашт зonasидаги сув ҳавзаларида жойлашган. Сув олди ҳайвонлари дашт зonasидаги ҳайвонлар турининг 25% ни ташкил этади. Бу зонада ўсимликлар қоплами нисбатан яхши клланганбўлиб, ҳашаротлар, йиртқичлар, сув ва сув олди қушлари кенг тарқалган. Дашт зonasидаги фауна таркиби мавсумий ҳарактерга эга.

Бу зонада табиий бошпананинг амли ги туфайли, кўпгина турлар тупроқда ин ясашга ёки бошқа ҳайвонларнинг инларидан фойдаланишига мослашган. Бундай мураккаб, чуқур уялар, сугур лар, юронқозиқлар, хомяклар ва бошқалар томонидан казилиши кузатилади. Уяларда тошсир чумсўклар, бўздоклар, айрим ўрдаклар хам (печанка, огарь) уя қуришада. Кичик юронқозиқнинг уясидан турли мақсадларда 250 тур ҳайвон фойдаланади.

Ҳайвонларнинг уйкуга кетиши бу зонада 2 мавсумга амалга ошади. Биринчи дан улар қишининг совўқ, озиқага камбағал даврини утказиш учун уйкуга кетишса, иккинчидан ёзниг иккинчи ярмида содир бўладиган кўргоқчиликни утказиш учун уйкуга кетишади. Дашт зонаси учун хос хусусиятлардан яна бири ҳайвонларнинг тез югурга олиш қобилиятидир. Бу ҳолат ларнинг душманлардан қочиши ёки улжага отиши учун жуда зарур. Ландшафтнинг очиқ майдонидан иборатлилиги мазкур мосланишларининг пайдо бўлишига туртки бўлган.

Дашт зонаси ҳайвонлар учун қуриш ўткирлигининг юкори даражада ривожланганлиги, маскироқа қобилияти ҳам муҳим морфофизиологик адаптация-лардан саналади. Уйкугакетиши олдидан ёки миграция олдидан танада кўп микдорда ёг захираларининг йиғилиши ҳам дашт ҳайвонларининг мосланишларига мисол бўла олади.

Айрим турлар эса сувга бўлган талабини ўсимликлар ҳисобига ва озиқа бўлиб хизмат қилувчи ҳайвонлар ҳисобига кондиради.

Дашт зонаси учун ҳарактерли бўлган асосий фаунистик комплексга қуйидаги ҳайвонларни киритиш мумкин: сайгоқ, байбак, юмонқозиқларнинг бирнеча турлари, катта қушоёқ, оддий кўр сичқон, оддий дала сичқони, русак товушқони бир неча турдаги хомяклар, дашт хорёги, лочинлар, дашт бургути, сариқсор, бир неча турдаги бўктаргилар, турна, бизғалдоқ, тувалоқ, бир неча турдаги тўрғайлар, сариқ коринли ва бошқа чипор илонлар, сув илон, корсак, кулоқли типротикан, юмонқозиқ, кирон қора, турли ранг калтакесак, уй сичқони, кул ранг каламуш, бўри, тулки, ласка, горностой, борсўқ, қарға, унг қарға, загизгон ва бошқалар учрайди. Даштзонасидаги эндемик турлар га дашт сугури, бир неча тур юмонқозиқлар, дашт сичқони, тувалоқлар, са рик коринли чипор илон, дашт жиктоқлари ва бошқалар киради.

Чўллар. МДХ худудидаги чўллар қадимги ландшафт ҳисобланади, шу сабабли чўллардан фауна таркибидан нафакат эндемик турлар кўплиги билан ва эндемик авлодларининг ҳам мавжудлиги билан ажralиб туради. Буларга ингичка бармоқли юмонқозиқ, хужасавдогар ва бошқаларни киритиш мумкин. Мазкур худуддаги ўсимликлар қопламида ярустлилик деярли йўқ. Саксовул зорлар ва тўқайларда ярустлиликни кузатиш мумкин.

Чўл зонасидаги ҳайвонлар асосан ер устида ва ер остида ҳаёт кечиришади. Объяво кучли исиб кетган вақтларида айрим чўл ҳайвонларни йирик бўтава даштларнинг устига чикиб олиши кузатилади. Чўлларнинг фаунаси даштларнинг фаунасига нисбатан бой.

Чўл зонаси биоцинозлари инсон томонидан қисқа муддатда ўзгариб кетиши ваузоқ муддатда қайта ўз ҳолига келиши мумкин. Бунга асосий сабаб намлиknинг етишмаслигидир. Баҳор ойларида чўлларда ўсимлик ва ҳайвонот дунёси анча бой бўлади. Ўзбекистон Республикасининг ҳам кўп қисми чўл зонасига жойлаш ган. Чўл зонасига ҳайвонлар дашт зонасига қараганда анча кам миграция қилишади. Бўзонада асосан кушларнинг миграциясини кузатиш мумкин. Бу зонадаги кўпгина ҳайвонлар

анабиоз ҳолатига ўтиш ёки уйкуга кетиш ор кали нокулай шароитдан ўзларини ҳимоя қилишади.

Шимолий чўлларда анаби оз ва ёзги уйку даври бугимоёқлилар, судралиб юрувчилар ва кўпчилик сут эмизувчиларда (кушоёқлар, кўршапалаклар, кулоқли типротиканлар) қишки уйкуга уланиб кетади ва ярим йилданошик даврни эгаллайди. Чўл зонаси нинг жанубида кўпчилик ҳайвонлар (буғим оёқлилар, судралиб юрувчилар вақушоёқлилар) қишида ҳамактив ҳаёт кечиради, улар ёз ойларидагина анабиоз ёки уйку даврига ўтишади. Кўпчилик ҳашаротлар, типротикан, кулка нотлилар анабиоз ва уйку ҳолатига ўтишади.

Чўл зонаси ҳайвонлари учун турли актив ҳаёт кечириш ҳарактерлилидир. Бундан ташқаримазкур худудда яшовчи ҳайвонларда актив-тез ҳара-катланиш қобилиятининг мавжудлиги кузатилади. Бундай хусусият улар-нинг душмандан кутилиб қолишига, улжага эришишга ва сув манбааларига бориб келишлари учун кулайлик яратади. (кулон,

жайрон, булдуруқ, кептар ва бош калар). Уя қуриш ва қум қатламида ҳаракат қилиш хусусияти бугим оёқлилар, судралиб юрувчилар (юмалоқ бошлар, қум бугма илончаси), кемиравчилар, типротикон ва толай тошувшкони каби қатор турларга тегишилидир. Катта қум сичқоннинг уясида 300 га яқин тур яшайди, катта түргайлар ёзги иссик муддатларда кемиравчиларнинг уяларидан бош пана топишади.

Чўл ҳайвонларининг териси пишик ва безлар деярли йўқ, сув тери орқали деярли парланмайди. Кўпчилик ҳайвонлар деярли сув ичишмайди. Уларда метаболитик сув ҳосилқилиш хусусияти, суюқликни иккиламчи бор конга сурилиш қобилиятининг ривожланганлиги ҳам сувни тежаб сарфлашга каратилган мосланишлардир.

Сариқ, кул ранг чўл ҳайвонларини мухитга мослаштирувчи асосий мас кировалардан биридир. Айрим турлар (юмалоқ бошлар, чарх илон) танасини тебратиши орқали қумга кўмилиш хусусиятига эга. Чўл зонаси учун асосий бўлган қуйидаги турлар фаунадаги белгилашда муҳим уринни эгаллади: дашт қора илони, тез калтакесаги, дашт бургути, бир неча тур түргайлар, кичик юмронқозик, кўр сичқонлар, сайгоқ, бўри, тулки, бурсик, кўзгун, уй сичқони, уй чумчуғи.

Чўл зонасида чумолилар, кунгизлар, ўргимчаклар, судралиб юрувчилар кенг тарқалган. Судралиб юрувчиларнинг айримлари эндемик турлардир. Дашт тошбақаси, кул ранг сцинк вабошқа гекконлар, дашт ва кавказ агамалари, кулоқли ва қум юмалоқбошлари, кул ранг эчкемар, ўқ илон, чипор илонлар нинг бир неча турлари чўл зонасидаги асосий ҳарактерли турлардандир.

Кушлардан хужасавдогар, чўл чумчуғи, чўл мойқути, оқ бағир (булдуруқ) ва бошқалар эндемик турлардир. Сув ва сув олди қушларидан бир қозонлар, кичик қоравой, қизилгоз, қарқаралар, кошик бурун, мармар ўрдак ва бошқалар учрайди. Сут эмизувчилардан ер-қазар-путорак, сариқ ва ингичка бармоқли юмронқозиклар, бир неча турдаги кушоёқ, қум сичқонларнинг бир неча турлари, жайрон, қулон, бир неча тур ёввойи мушўклар, гепарт, леонул, каракал, чия бўри, дашт агамаси, йўрға тувалоқ учрайди. Қумли чўллар фаунасигилли чўллар фаунасидан бой. Айниқса тошлоқ, шурхоқ чўллар фаунаси янада камбағал.

Чўл зонасидаги сув ҳавзалари жуда камбағал бўлиб, бу жойдаги кўп чилик дарё ва кўллар денизхамда океанлар билан туташмаган. Сирдарё ва Амударёда кўрак бурунлиларнинг 3 тури ва остроқучка (паррак) эндемик тур саналади. Бундан ташка-ричўл зонасидаги чучук сув ҳавзаларида леш, зогора, оқ амур, дунг пешона, оқ сла, лацка, вобла ва бошқа қатор турлар учрайди. Тоғлар. Кавказ тоғ тизмалари, Ўрта Осиё тоғлари: Копетдак, Зарафшон ва Олой тоғ тизмалари, Помир, Тянь-Шан тоғлари табиати ва фаунаси билан бошқа зоналардан ажралиб туради.

Тоғ зонаси учун вертикал ярустлилик ҳарактелилидир. Албатта горизонтал зоналлик ҳам ҳайвонларнинг тоғ зонасида тарқалишини белгилашда муҳим аҳамиятга эга. Фауна таркиби ва шакл ланишигатоғларнинг тарихи кучли таъсир кўрсатган. Тоғ зоналарида қушо ёклар, қум сичқонлар, русак куёни, какликлар, чипор илонлар, ўрмон мушуги, куница, типратикон, крот, буғу, Европа косуляси, қизилиштонлар, чумчуқси монларнинг вакиллари, кунгир айик, кайчи тумшук, кедровка, арҳар, чиллар (тўртинчи тур), кавказ саламандраси, кўр тоғ эчқилари, дала сичқонлари, понользм (фотма чумчук), скололаз гекконлар, кўршапалаклар (форларда), қоя кафтарлари, стримлар, бўри, тулки, бурсик, заргалдоқ, жайра, қоплон, асал хўр ва бошқадлар яшайди.

Кавказ тоғлари Ўрта Осиё тоғларига қараганда анча бой. Кавказ тоғларида 130-тур сут эмизувчилар, 350 тур қушлар, 57- тур судралиб юрувчилар, 14-тур сувда ҳам қурукликда яшовчилар, бир неча минг тур ҳашаротлар, 280 тур молюскалар. Копетдаг тоғлари Кавказ тоғлари фаунасидан камбағал. Помир ва Тянь-Шан тоғларининг табиий комплекслари Копетдаг тоғларига нисбатантурли-туман. Кавказ тоғларига нисбатан анча камбағал.

Қуйида кўриб ўтилган зоналарда инсон фаолияти ва бошқа биотик ва аётик ва омиллар таъсиридаҳайвонот дунёси у ёки бу даражада ўзгариши кузатилади. Тундра ва тайга зоналарида турли фаолиятларнинг инсон томонидан олиб борилиши (разведка, БАМ қурилиш, ов ва бошқалар) мазкур худудлар фаунасига ўз таъсирини утказмоқда. Айниқса, тайга зонасида юз берадиган ўрмон ёнғинлари фауна таркибиغا кучли таъсир қилади.

Чегарасиз ов қилиш, чорвачиликнинг мазкур худудларда ривожланиши кўпгина худудларни қўриқхона ёки буаорт маҳофалар ҳолига сақлаш заруриятини тугдиради. Ер юзида аҳоли сонининг ошиб бориши туфайли тураг-жой ва озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжларининг ошиши тушунарли ҳол. Ана шундай бўлишига қарамасдан қўриқланадиган худудларнинг ташкил этилиши, аҳоли орасида айниқса, ноёб, "Қизил китоб" га киритилган. Эндемик йуналишдаги таргибот ишларини олиб бориш мақсадга мувофиқдир.

Чўл зонаси табиатига бўлган муносабатлар 20-асрнинг охир-ларида улкан экологик муаммоларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлди. Чорвачилик, - дехкончилик фаолиятлари ва бошқа қатор фаолиятлар натижасида мазкур зонада туб ўзгаришлар кузатилмоқда. Дехкончиликни экстенсив ривожлантириш оқибатида чўл таркибида янги ерларнинг барпо қилиниши ҳамда сугориш системаларининг шаклланиши чўл биоценозларининг тубдан ўзгаришига сабаб бўлди. Сув билан таъминланмаслиги оқибатида Орол денгизи кўрий бошлади.

Денгиз тубидан кўтарилиган тўзлар эса ўсимликлар қопламининг улар билан боғлиқ ҳолда ҳайвонларнинг хилма-хиллигини камайишига сабаб бўлмоқда. Каналлар, транспорт йуллари қурилиши, тураг-жой бинолари эгаллаган майдонинг чўллар ҳисобига ортиши чўл зонаси фаунасининг сифат ва мик дор жихатидан камайишига сабаб бўлмоқда. Шу нуқтаи-назардан қараганда, ҳар кандай бунёдкорлик фаолиятларининг амалга оширишдан аввал табиат комплексларига мазкур фаолиятнинг таъсирини олдиндан аниқлаш минтақадаги ҳайвонот дунёсини бус-бутунлигича саклаб қолишда муҳим ахамиятга эга.